

51
(1369)-сон
21-декабр
2018

Xabar

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEKNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

ТАЪЛИМ

Ёшларни хорижда ўқитиш учун катта маблағ ажратилади **2-бет**

МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

В Узбекистане разрешат сохранять номер при смене оператора **6-бет**

МУАММОНИНГ КИЧИГИ БУЛМАЙДИ

Қўлоғи тинч бўлишини ўйлаётган идоралар ёхуд Фармонбиби бир кун бўлмаса... **8-бет**

ФЕЛЕТОН

Уша кун ним маст эди? **9-бет**

ХАВФСИЗЛИК

Пақилдоқ пақиллади... **10-бет**

АЛОҚА ОЛАМИДА

3G-тармоғи тўхтатилади — тезлик оширилади **12-бет**

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Жосусликда гумонланган сиёсатчилар қўлга олинди **13-бет**

КЎЗГУ

Ҳайбараналлачилик кимга керак?.. **16-бет**

ОЛТИН-ВАЛЮТА ЗАХИРАЛАРИ

Ўзбекистоннинг ялли олтин-валюта захиралари 2018 йилнинг ноябр ойида

511,1 млн.

АҚШ долларига

камайиб,

25,9 млрд.

долларни ташкил қилди.

Соф олтин-валюта захиралари 1 декабр ҳолатига

25,2 млрд.

долларга тенг бўлди.

Манба: Марказий банк

)-DAY



ЎЗБЕКИСТОНДА СТАРТАПЛАР

СОТИЛАДИГАН БОЗОР ЯРАТИЛМОҚДА!

Ўзбекистонда стартаплар экотизими шаклланиш босқичида кундан-кунга стартаплар сони ортмоқда. Шунингдек, ёшларнинг ҳам стартап лойиҳалар қилишга бўлган интилишлари ҳам ошиб борапти.

Аммо инвесторлар юртимизда амалга оширилаётган стартапларни бир манзилда топа олишлари муаммо. Тўғриси, инвесторлар кўпгина яхши лойиҳалардан беҳабар қолиб кетмоқда. Стартап лойиҳаларни амалга оширувчилардаги муаммо эса — ўз лойиҳасига маблағ жалб қиладиган инвестор топиш учун муқобил муҳит йўқлиги. Яна бир муаммо эса стартапчиларда стартапларни сотиш бўйича кўникмалар йўқлиги. **5-бет ▶**

▶ ХАМКОРЛИК

ТАТУДА КОСМИК ТАДҚИҚОТЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДА МАГИСТРЛАР ТАЙЁРЛАШ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида Хитойнинг Beihang университети вакиллари билан учрашув ўтказилди. Унда Ўзбекистонда космик технологияларни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилиш муҳокама қилинди.

Маълум қилинишича, ТАТУда космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида янги магистратура мутахассислигини очиб режалаштирилган. Икки университет ўртасида шу йўналишда ўқув режа ва материалларини алмашиш, ҳамкорликда илмий ишларни ривожлантириш бўйича шартнома имзоланди.

Beihang университетининг Beidou факултети (Beidou Belt&Road School) космик технологияларни ривожлантириш бўйича Хитойнинг илмий-тадқиқот институти ҳисобланиб, сунъий йўлдош алоқаси, навигацион тизимлар, масофадан бошқарув йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб боради.




ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАР УЧУН ҚИШКИ ТАЪТИЛ МУДДАТИ ҚАНЧА?

Ўзбекистонда бу йил мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари ҳамда ОТМ талабалари қайси санандан қишки таътилга чиқиши маълум қилинди.

Талабалар олятдагидек 28 декабрдан қишки таътилга кетишди ва у 10 январга қадар давом этади. 27 декабр охириги ўқиш куни, 11 январ куни эса таълим муассасаларида дарслар бошланади. Бу ҳақда “Тараққиёт стратегияси” марказида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарлари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида вазирлик бош бошқармаси бошлиғи Абдували Холлиқов маълум қилди.

Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги ҳам мамлакатимизда ўқувчиларнинг қишки таътил кунлари муддатини эълон қилди. Унга кўра, таътил 2018 йилнинг 28 декабр кунидан бошланиб, 2019 йилнинг 10 январига қадар давом этади. 11 январ, жума кунидан учинчи чорак бошланади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 декабр куни Қашқадарь вилоятидан қайтиши биланоқ Тошкент халқаро аэропортида мамлакатимизга ташриф билан келган Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер билан учрашув ўтказди. Учрашувда ташкилот билан узоқ муддатли ҳамкорлик бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, мамлакатимиз томонидан ХМТ конвенцияларини ратификациядан ўтказиш ишларини давом эттириш, меҳнат муносабатлари соҳаси мутахассисларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, касба уюшмалари ва Иш берувчилар конфедерацияси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида келишувларга эришилди.

Тошкентда 14 декабр куни Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида "Барқарор тараққиёт мақсадлари доирасида муносиб бандликни таъминлаш: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда меҳнат миграциясини тартибга солиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 декабр — Қозоғистон Республикаси Мустақиллиги куни билан Президент Нурсултон Назарбаев, Бахрайн Мустақиллиги байрами муносабати билан мамлакат Подшоҳи Шайх Ҳамд ибн Исо Ол Халифа ҳамда Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамд Ол Сонийни Мустақиллик куни билан табриклади.

Жорий йилнинг 18 декабр куни Жаҳон банки Директорлар кенгаши Ўзбекистоннинг учта шаҳридаги муниципал хизматлар сифати ва шаҳар инфратузилмасини яхшилашни назарда tutuvchi "Ўртача шаҳарларни комплекс ривожлантириш" лойиҳасини маъқуллади. Янги лойиҳа Чортоқ, Когон ва Янгийўл шаҳарлари инфратузилмаси, умумий фойдаланиш жойлари ва муниципал хизматларни ривожлантиришга қўмақлашади.

Қорақалпоғистон Республикасида "Янги Мўйноқ — янги имкониятлар" мавзuida халқаро инвестиция бизнес форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган форумда хорижий давлатлардан инвесторлар, етакчи туристик компаниялар вакиллари, шунингдек, юртимиз тадбиркорлари иштирок этди.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Мақамаси ҳузуридagi "Эл-юрт умиди" жамғармаси раҳбарияти иштирокида "Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот юзасидан жамғарма фаолияти, ташкилий ишлари ва истиқболли режалар" мавзuida матбуот анжумани ўтказилди.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ, ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ҲАМДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Президент фармони қабул қилинди.

Энди давлат органлари ходимлари махсус мобил алоқадан фойдаланади

Фармонга мувофиқ, Президент ҳузуридagi Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги электрон ҳукумат соҳасидаги ҳамда давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этишда ваколатли орган этиб белгиланди.

Ахборот тизимлари, ресурслари ҳамда дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш бўйича лойиҳалар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Агентликда экспертизадан ўтказилиши шартлиги белгиланди.

Алоқанинг махфийлиги, тезкорлиги, хавфсизлиги ва телекоммуникация хизматларига сарфланган бюджет маблағларининг тежалишини таъминлайдиган ҳуқуқий мобил алоқаси тизими жорий этилади.

Ушбу тизим 2019 йил 1 апрелдан бошлаб давлат органлари, ташкилотлари, маҳаллий

давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ходимлари учун ўз хизмат вазифаларини бажаришда фойдаланиш мажбурий этиб белгиланди.

Электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича лойиҳалар тўхтатилди

Фармонга кўра, "Электрон ҳукумат" тизимини бошқариш бўйича функциялар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигидан Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига ўтказилганлиги вақтинчалик чорига сабаб бўлди.

Ҳужжатда ваколатларни идоралар ўртасида қайта тақсимлашнинг сабаби аниқ белгиланди — Президент ҳузуридagi Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган, Электрон ҳуку-

мат эса унинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Шу боис Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида "Электрон ҳукумат" тизими доирасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилиши ва молиялаштирилишини тўхтатиб қўйиш ва бир ой муддатда уларни тўлиқ хатловдан ўтказиш топширилди. ЛБМА, ўз навбатида, 2019 йил 1 апрелга қадар амалга оширилган лойиҳаларни танқидий кўриб чиқадиган ҳамда мақсадга мувофиқ, долзарб, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсад ва вазифаларига мос келадиган лойиҳаларнинг давом эттирилишини таъминлайди. 2019 йил 1 майга қадар "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш концепцияси лойиҳаси Президент Администрациясига қўйилади.

Бу — муҳим! Электрон ҳукумат ишини тўхтатиб қўйиш ҳақида гап бораётгани йўқ, Электрон давлат хизматларини одатдаги тартибда кўрсатиш давом эттирилади.

Бунда келаси йилда барча давлат хизматларини фақат "Universal Mobile Systems" МЧЖ маълумотларни қайта ишлаш марказлари орқали тақдим этиш бошланади. Агентлик манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йилнинг 1 майига қадар маълумотларни қайта ишлаш марказларига бўлган эҳтиёж ва уларнинг жойлашуви тўғрисида Президент Администрациясига тақдирлаш киритади. Моҳиятига кўра, оператор Электрон ҳукумат учун ҳисоблаш қуввати ва алоқа каналини таъминлайди.

Бундан ташқари, электрон ҳукуматини ривожлантириш учун алоҳида божхона омбори ташкил этилади.

ЭЛ-ЮРТ УМИДИ

ЁШЛАРНИ ХОРИЖДА ЎҚИТИШ УЧУН КАТТА МАБЛАҒ АЖРАТИЛАДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 18 декабр куни замонавий кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлдириш, билимли ёшларни стратегик соҳаларга жалб этиш масалаларига бағишланган йилги иш ўтказди.

Ҳозирги пайтда хорижда докторантура ва магистратурада ўқитиш, малака ошириш ва стажировкани ташкил қилиш бўйича дастлабки эҳтиёж 3,5 мингдан ортиқ, Юртимизда халқаро илмий ва амалий тажрибага эга 600 нафардан зиёд ватандошларимизга эҳтиёж мавжуд. 1000га яқин хорижий олимлар ва экспертларни жалб этишга талаб бор.

Яъни, бугун кечиктириб бўлмайдиган, олдий илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёж 5 мингдан зиёднинг ташкил этади. Агар ишлаб

чиқаришдаги талаб ҳам инобатга олинса, бу рақам камида 50-100 бараварга ошади.

— Бу ҳали бугунги эҳтиёж. Яқин ва узоқ истиқболдаги иқтисодий ривожланиш нуктаи назаридан бизга қайси соҳа учун қандай мутахассис керак бўлади? Шунинг ҳозирдан чуқур ўйлашимиз, замон талаби, ислохотлар шиддатига мос кадрларни тарбиялашимиз керак. Бу масала бизнинг келажагимиз, бизнинг эртанги кунимиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлат раҳбарининг жорий йил 25 сентябрдаги фармонида ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси ташкил этилган эди.

Жамғарма олдида ўзбекис-

тонлик иқтидорли ёшларни докторантура ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиш, турли соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш ва стажировкасини ташкил этиш, хориждаги ватандошлар билан доимий мулоқот ўрнатилиш, уларни мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга жалб қилиш, чет элдаги университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорликда юқори малакали кадрларни тайёрлашга қўмақ бериш вазифалари кўйилган.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун 2019 йилда давлат бюджетидан 45 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган. Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, бу маблағ янада ошириладиган бўлди.

Йилги ишда шу йўналиш-

даги ишларни тўғри ташкиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Жумладан, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мамлакатлар ва мутахассисликлар кесимида ватандошлар тўғрисида маълумотлар ресурсларини тезроқ ишга тушириши зарурлиги қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга жалб этилаётган ҳар қандай хорижий инвестициянинг маълум бир қисмини малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтириш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Йилги ишда яна бир масала — истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш, уларнинг касб малакасини узлуксиз ошириш боришга қўмақлашиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

ИҚТИДОРЛИЛАР ВАЗИРЛИК СТИПЕНДИАТИ БЎЛИШДИ

Илмий изланишларда, ижтимоий ҳаёда муваффақиятларга эришган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, унинг филиаллари, Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети бакалаврлари ҳамда ТАТУ ва унинг филиаллари қошидаги академик лицейларнинг ўқувчиларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 18 апрелдаги 263-сонли буйруғи тасдиқланган эди.

Яқинда мазкур буйруқда кўзда тутилган омиллар бўйича саралаб олинган бир гуруҳ талабалар ва ўқувчилар вазирлик стипендиати деб эълон қилинди. Жумладан, ТАТУ талабалари Ёсинов Саидақбар Дилшод ўғли, Содиқова Дилноза Жуманазаровна, Истамов Юнусжон Юлдуз ўғли, Эшонқул Наврўзбек Дилшод ўғли, Жўраева Гузал Абдуманнон қизи, ТАТУ Нукус филиали талабалари Қонарбаев Давид Халбаевич, Сапарова Улбосин Ажиниязовна, ТАТУ Урганч филиали талабалари Менглиев Давлатёр Бахтиярович, Палванова Севара Бахромова, ТАТУ Самарқанд филиали талабалари Эшонқул Улугбек

Латиббой ўғли, Курбанқичев Тимур Маратович, ТАТУ Қарши филиали талабалари Қодиров Фаррух Эргаш ўғли, Шамсиддинов Муҳриддин Бадриддин ўғли, ТАТУ Фарғона филиали талабалари Маликова Камила Махамат Марселловна, Ҳайдарова Гулбаҳор Абдуазизовна, Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети талабалари Маматалиев Дархонбек Аблаким ўғли, Шодиев Азизжон Умиджон ўғли, Юлдашева Умматой Тўлқинона, ТАТУ қошидаги Мирзо Улугбек академик лицейи ўқувчиси Шестакова Даря Александровна, ТАТУ қоши-

даги 2-академик лицей ўқувчиси Маҳмуджонов Азизбек Мақсуджон ўғли, ТАТУ Нукус филиали қошидаги академик лицей ўқувчиси Исмоилова Дилфуза Узакбаевна, ТАТУ Самарқанд филиали қошидаги академик лицей ўқувчиси Мамарасулов Сухроб Қидирбоевич Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги стипендиясига сазовор бўлишди.

Биз барча талаба ва ўқувчиларни ушбу ютуқ билан қутлаб, бундан да юксак марраларни забт этишларига омадлар тилаймиз!

ЯНГИЛИК

ЎЗБЕКИСТОНДА ЙИРИК ПРОВАЙДЕР ПАЙДО БЎЛДИ: У ПУЛЛИ ВА БЕПУЛ WI-FI ТАРҚАТАДИ



Asia Wireless Group компанияси томонидан SOLA бренди остида Wi-Fi тармоғи лойиҳаси яратилди. Эндиликда Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмон-

лари провайдернинг қамрови доирасида исталган вақтда исталган жойда интернетдан фойдаланишлари мумкин.

“International Hotel Tashkent” меҳмонхонасида SOLA бренди остида янги телекоммуникацион Wi-Fi операторини ишга тушириш расмий маросими бўлиб ўтди.

Маълум қилинишича, ҳозирги пайтда пойтахтда 1200га Wi-Fi нуқталари фаолият кўрсатмоқда, келгуси йилнинг баҳоригача эса уларнинг сонини 5000гача етказиш режалаштирилган.

SOLA тизими тармоққа уланишнинг иккита қўринишини таклиф этади — пуллик ва бепул. Бепул кириш реклама ролигини кўриб чиқишдан кейин такдим этилади. Пуллик тарифлар трафик бўйича чекловларсиз ишлайди ва абонентга соатлик, кунлик, ҳафталик ёки ойлик обуна таклиф этилади.

— SOLA тармоғи Тошкентнинг Жанубий ва Шимолий вокзаллари, Megarplanet, Parus, Samarqand Darvoza ва Vega Centre кўнгилочар савдо марказлари, Чилонзор, Қатортол, Юнусобод, Миробод ва Паркент бозорлари каби оммабоп жойларни аллақачон қамраб олган. Уланишга келиб тушаётган талабномаларга мувофиқ қамров доираси доимий равишда кенгайиб боради. Бизнинг яқин режаларимизда — Ўзбекистоннинг сайн-ёҳлик шаҳарларида Wi-Fi тармоғини ўрнатишди, — деди Asia Wireless Group МЧЖ директори Бекзод Аҳмедов.

Компания директорининг айтишича, лойиҳага ҳозирга қалар 20 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфланган. Тармоқни кенгайтириш учун яна 100 миллион доллар сармоя киритилиши режалаштирилмоқда.

Тармоққа уланиш тўрт ундаш(клик)да амалга оширилади, шартномани расмийлаштириш учун фойдаланувчининг компания офисига бориши шарт бўлмайди, тўлов эса Paynet, Click, UzCard ва PayMe тўлов тизимлари орқали қабул қилинади. Келгусида Asia Wireless Group тўловни Visa, Mastercard ва Unionpay халқаро карталари воситасида тўлашни ҳам татбиқ этишни режалаштирмоқда.

Asia Wireless Group компаниясининг келгуси режаларида Тошкентда Wi-Fi шаҳар тармоғини кенгайтириш ва Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган, Бухоро, Навоий, Урганч ва Қаршида 45 мингдан ортиқ кириш нуқталарини ўрнатиш белгиланган.

Лутфулло ТУРСУНОВ

ХОТИРА

“ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР КЛУБИ”ГА ФУРҚАТ ЮСУПОВ НОМИ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ёшлар маркази биносида “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони соҳиби Фурқат Юсуповнинг туғилган кунини муносабати билан хотира кечаси ўтказилди. Кечда марҳумнинг яқинлари, устозлари, курсдош дўстлари, касбдошлари ва шоғирдлари иштирок этди.

Тадбирда иқтидорли журналист ҳаётига оид ролик намойиш этилди. Курсдош дўстлари, ҳамкасблари унинг серқирра фаолиятини ёрқин хотира билан ёдга олишди.

Фурқат Юсупов 1992 йил 11 декабрда Хоразм вилоятининг Хива туманида туғилган. 2015 йили Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг Қорақалпоқ филологияси фа-



култети журналистика таълим йўналишини тамомлаган.

Қисқа фаолияти давомида кўплаб танловлар голиби бўлиб, дипломлар би-

лан тақдирланган. Шунингдек, турли семинар-тренингларда сертификатларни қўлга киритган.

У асос солган “KRuz.uz” маҳаллий янгиликлар сайти тезда оммалашиб кетди. 2016 йили миллий интернет танловига ушбу сайт “Икки тилда яратилган энг яхши сайт” номинацияси бўйича голиб бўлди.

Фурқат Юсупов 2015 йили Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабалари орасида “Ёш журналист” танловига асос солган ва ташкилий ишларда фаол қатнашган. Шунинг билан таъкидлаш жоиз, университет қошида жорий йилда ташкиллаштирилган “Ёш журналистлар клуби”га Фурқат Юсупов номи берилди.

У 2017 йили “Қарыйдар” газетасига муҳаррирлик вақтида газета адади

400дан 3000га кўтарилди, газетани рангли ва ёшларбоп форматда chop этирди.

Фурқат Юсупов қисқа умри давомида халқ дарди, ёшлар муаммоларини ҳал этишга доир долзарб мавзуларда кўплаб мақолалар ёзди. Бундан ташқари, у хомаки нусхада бир нечта китоб тайёрлаганди. Мана шу китоблар нашр этиш учун такдим қилинди. Янги йил бошларида 10 минг нусхадаги китоблар таниқли блогернинг мухлислари қўлига етиб боради.

Эслатиб ўтамиз, қорақалпоғистонлик ёш журналист ва блогер Фурқат Юсупов 2018 йил 7 июл кунини Нукус туманидаги анҳорда чўқаётган икки қизни қўқариш чоғида вафот этганди.


Саламат АВЕЗОВ,
ТАТУ Нукус филиалининг ўқув бўлими кабинет мудирини ёрдамчиси

4 ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР



Тўқсон йиллик тарихга эга Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежининг файзли ҳовлиси бугун ўзгача қиёфа касб этган. Дарвозадан киришингиз билан кўзингиз қатор саф тортиб турган ҳарбий техникаларга тушади. Ичкарида эса чап томонда столларга қўйилган замонавий қурол-яроғлар, ўнг томонда ҳарбий либослар кўрғазмаси ҳамда аскарлар ошхонасида тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари. Коллеж ўқувчилари аскарлар кийим-кечаклари, қурол-яроғлар қўйилган столларни ўраб олишиб, қизиқиш билан томоша қилишяпти. Уларнинг кетма-кет берган саволларига Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факултети 4-босқич курсантлари ҳамда факултети кийим-кечак омбори бошлиғи, сержант Абдуқодир Қўзиевлар батафсил жавоб беришаётир. Саволлар эса жуда кўп ва хилма-хил.

АЛПОМИШ ЮРТИНИНГ МАРД ЎҒЛОНЛАРИ



Дарвоқе, бу қадимий билим масканида бугун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши ижросини таъминлаш асносида ТАТУ Махсус факултети билан ҳамкорликда “Ватан муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир” деб номланган тадбир ташкил этилган.

Тадбирнинг асосий тантаналари коллежнинг мажлислар залида бошланди. Залнинг бир томонида коллежда ташкил этилган ҳарбий гуруҳнинг аскарлик либослари ўзларига ярашиб турган бўлажак Ватан ҳимоячилари ҳамда ҳарбийликка қизиқувчи ўқувчилар иштирокида тузилган тўғарак аъзолари, бошқа томонида меҳмонлар — Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) аскар ва офицерлари, шунингдек, ТАТУ Махсус факултети курсантлари ўтиришибди.

Тадбирда биринчи бўлиб сўз олган ТАТУ проректори, Махсус факултет бошлиғи майор Ҳаким Муҳитдинов аввало барчани яқинлашиб келаётган Ватан ҳимоячилари кунини билан муборакбод этди ҳамда Махсус факултет ҳақида тўлиқ маълумот берди.

— Бугунги тадбирни ўтказишимиздан мақсад, — деди нотиқ, — Сиз, азиз ўқувчиларни факултетимиз ҳаёти билан қисман бўлсада таништириш, шунингдек, ҳарбийликка бўлган қизиқишингизни янада оширишдан иборат. Зеро, ҳарбий алоқачилик ўта масъулиятли касб, уни севиб-ардоқлабгина муайян натижаларга эришиш мумкин. Яқинда факултетимизда Очқў эшиклар кунини ўтказишни режалаштиряпмиз. Ўша кунини барча қизиқувчилар биздаги шароитларни ўз кўзлари билан кўришлари мумкин. Факултетга кириш имтиҳонлари олий ўқув юртлигига бўладиган умумий имтиҳонлардан олдинроқ бошланишини ҳисобга олсак, бемалол бизда имтиҳон топишириш имконига эгасиз.

Факултет бошлиғининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Йўлдош Холиқов республикамиз мулофаа тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондонини Шавкат Мирзиёев томонидан армиямизни дунёдаги энг кучли армиялар сафига қўшиш борасида олиб бораётган ишлар ҳақида сўзлади.

Коллеж директори, иқтисод фанлари доктори Шерзод Турсунов ўқувчиларни Ватанга муҳаббат, ота-боболаримиз аъналарига салоқат руҳида тарбиялаш борасида коллежда амалга оширилаётган ҳаракатлар, бўлажак Ватан ҳимоячилари онгига Алпомиш юртининг мард ўғлонлари бўлиш юксак бурч эканлигини сингдиришдек катта мақсад йўлида жорий йилнинг 15 декабридан 2019 йилнинг 15 январигача бўлган муддат давомида эълон қилинган Ватанпарварлик ойлигининг аҳамияти ҳақида гапириб, тадбир ташкилотчиларига, хусусан, Махсус факултет ҳарбийларига миннатдорлик билдирди.

Иштирокчилар Махсус факултетнинг байроқдор, қўл жанги гуруҳлари чиқишларини томоша қилишди.

Тадбир сўнгига бошловчи жарангдор қилиб ўқиган ҳассос ўзбек шоири Муҳаммад Юсуфнинг қуйидаги сатрлари зал узра баралла янгради:

Қалқонинг бор ким қасд қилса гар жонингга,
Алпомишлар руҳи ёр ҳар ўғлонингга.
Асрагаймиз гиёҳинг ҳам гулдай ўпиб,
Ёвлар яқин йўлолмагай қўргонингга.
Адойинг бўлмаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!

Муборак МИРКАМОЛОВА,
“Xabar” мухбири

Суратларда: тадбирдан лавҳалар

● Иброҳим ДУШАНОВ олган суратлар

“
Ҳарбий алоқачилик ўта масъулиятли касб, уни севиб-ардоқлабгина муайян натижаларга эришиш мумкин.”



ЎЗБЕКИСТОНДА СТАРТАПЛАР СОТИЛАДИГАН БОЗОР ЯРАТИЛМОҚДА!

◀ 1-бет.

“
– Ҳим талаба бўлган пайтларимдан то ҳозирги кунгача турли лойиҳалар, стартаплар устида ишлаб юраман. Бирор стартапни бошласам уни кимга кўрсатишни, инвесторларни қандай топишни, шунингдек, бошқаларни ушбу стартапдан қандай бохабар қилишни билмай қолардим. Кейинчалик билсам, бундай муаммо бошқа стартапчиларда ҳам бор экан. Шундан сўнг Startupmarket.asia ни яратмишга қарор қилдим, – дейди лойиҳа асосчиси Улугбек Исмаилов.

Аммо энди стартапчиларда бундай муаммолар бўлмайди. Сабаби – стартаплар сотиладиган Startupmarket.asia номи янги тизим ишга туширилмоқда.

Startupmarket.asia – бу Ўзбекистондаги барча стартапларга маблағларни жалб қилиш ва келгусида уларни сотиш мақсадида яратилган платформа. Унга жойланаётган стартаплар тизим ёрдамида ўзлари учун керакли маблағни топишлари мумкин бўлади. Яъни тизим стартапга инвестор, фондлар, бизнес инкубатор топишга ёрдам беради.

Startupmarket.asia мамлакатимиздаги стартапчиларга қуйидагича кўмаклашади:

- барча стартапларни бир платформага жойлайди;
- уларни инвесторга сотиш даражасига олиб чиқишга ёрдам беради;
- стартапнинг брендида алоҳида эътибор беради, агар у йўқ бўлса яратаяди;
- сифатли расм, сотишга олиб келадиган сўзлар ва видеолар билан таъминлаб беради;
- инвесторга қизиқ бўлган мавзудаги стартапларни сотади;
- давлат грантларини ютишга кўмаклашади;
- стартапчилар учун Глобал тарифи орқали уларни халқаро платформалар (Indigogo, Kickstarter, Planeta.ru, Boomstarter)га жойлаштиришда ёрдам беради.

Startupmarket.asiaдан фойдаланиш тўрт босқичда амалга оширилади:

1-босқич: Стартап эгаси Startupmarket.uz платформасига кириб, ўз стартапини жойлаштирилади.



2-босқич: Платформага келиб тушган стартапда талаб қилинувчи маълумотлар етарли бўлмаса, стартап эгаси билан алоқага чиқилади ва платформа унга хизматларини тарифлар орқали таклиф қилади.

3-босқич: Стартапга маҳаллий ва халқаро миқёсда инвестор изланади.

4-босқич: Инвестор топилгач, стартапнинг эгаси билан инвестор учраштирилади. Агар стартап сотилса, платформа ўз фоизини олади.

Умуман олганда, ушбу тизимнинг аудиторияси стартапчилар, стартап лойиҳаларни инвестиция қилувчи ташкилотлар ва алоҳида инвесторлар ҳисобланади.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, халқаро бозорда 7,1 фоиз стартаплар Fintech (молиявий йўналишдаги инновацион технологияларни қўллаш

орқали одатий молиявий ташкилотлар билан рақобат қилишга қаратилган йўналишдир, уларга асосланган стартапларни Fintech стартаплар деб аташадил), 2,1 фоизи эса Cleantech (инновацион тазалаш хизматини кўрсатувчи технологияларга асосланган йўналиш) йўналишлари бўйича ўз ечимларини таклиф қилишмоқда. Стартапларнинг тўлақонли компанияга айланишига ўртача 42 ой муддат талаб қилинишини ҳисобга олсак, уларга турли даражаларда хизмат кўрсатиш назарда тутилади. Халқаро майдонда стартаплар билан ишловчи платформалар бозори 1-3 миллиард АҚШ доллари атрофида пул топади.

Юртимизда ҳам стартаплар учун очик муҳит ва кенг имкониятлар яратилиши борасида бир қанча амалий ишлар

қилинмоқда. Хусусан, “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Президент фармони қабул қилиниши ҳам юқоридаги фикрларимиз далилидир.

Фармонга биноан, инвестиция ҳамда бошқарув компанияларини ташкил қилиш амалиёти кенгайтирилади.

Startupmarket.asia эса, аввало, маҳаллий бозорни шакллантириш билан шуғулланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бундан ташқари, инвесторлар, айниқса, хорижий инвесторларнинг инвестиция ҳиссаларини тезкор ва самарали жалб этиш учун ҳам катта имконият бўлади. Ўйлаймизки, Startupmarket.asia юртимизда стартаплар сотиладиган катта онлайн бозорга айланади.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, ушбу лойиҳа ҳар йили ўтказиладиган Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида тадбиркорлик муҳитини такомиллаштириш” қўшма лойиҳаси томонидан юртимизда “Стартап-ташаббуслари” ёшларнинг стартап-ташаббусларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган дастурда тақдим этилган.

Фуломжон НАЗАРОВ

Startupmarket.asia лойиҳаси 19 декабр кuni “Стартап-ташаббуслари” дастурининг финал босқичи (Demo day)да 40 млн. сўм ютиб олди. Эслатиб ўтаниз, ушбу дастур Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида тадбиркорлик муҳитини такомиллаштириш” бўйича қўшма лойиҳаси таркибига кирди.

ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

Бугун қайси соҳани қараманг, унда ёшларимиз фаоллигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам ёшларимиз ўз билим ва иқтидорларини намойиш қилмоқда.

Бугунги кунда ТАТУнинг биргина Нукус филиалида юзга яқин профессор-ўқитувчилар 850дан зиёд талаба, 10 нафар магистрантга соҳа сирларини ўргатмоқда. Муассасамизда замонавий билим олишимиз учун барча имкониятлар яратилган. Жумладан, олти компютер синфи, учта телекоммуникация лаборато-

рияси, иккита лингафон ва видеоконференция заллари ва электрон кутубхона мавжуд бўлиб, барчаси талабаларнинг пухта билим олишларига йўналтирилган.

Таълим жараёни замонавий янги педагогик технологиялар асосида олиб бориляпти. Талабаларнинг мустақил билим олишлари учун виртуал таълим тизими яратилган. Шу билан бирга, дастурий таъминот бўйича ўндан ортиқ лойиҳаларга Интеллектуал мулк агентлиги томонидан лицензиялар олинган. Бу лойиҳалар ўз самарасини бермоқда. Бунга Тошкент шаҳрида

17-18 ноябр кунлари “Венком” компанияси томонидан ўтказилган дастурлаш бўйича “Vencom code invent” чемпионатида Нукус филиали жамоаси ғолиб бўлгани далил бўла олади.

Ўқув даргоҳида таълим сифатини янада мустаҳкамлаш ва талабаларнинг юқори савида билим олишлари учун ҳар йили бир нечта ўқитувчи хорижда малака ошириб қайтмоқдалар. Албатта, жаҳон ахборот майдони борган сари шиддат билан ривожланиб бораётган бир пайтда, таълим соҳасида олиб борилаётган бундай сазй-ҳаракатлар АТ соҳа-


сининг етук мутахассислари етишиб чиқишида пойдевор вазифасини ўтайди.

Ватанимиз келажаги биз каби ёшлар қўлида. Шундай экан, барча имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, ватанимиз тараққиёти ва унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада кўтариш учун бор куч-гайратимизни сарфлаймиз ва биз албатта ишончли оқлаймиз!

Айгул ТУМАЕВА,
Муҳаммад ал-Хоразмий
номидаги ТАТУ Нукус
филиали 1-босқич
магистранти

6 МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

В УЗБЕКИСТАНЕ РАЗРЕШАТ СОХРАНЯТЬ НОМЕР ПРИ СМЕНЕ ОПЕРАТОРА



В Узбекистане разрешат сохранять номер при смене оператора, следует из проекта Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций.

Ведомство уже подготовило проект положения, в котором описывается, как именно будет проводиться операция.

Так, к примеру, услуга указана платной. Перенос номера планируется ограничить одним разом в течение 180 дней.

«Переносимыми номерами могут быть только номера, выделенные для операторов мобильной связи. Изменения формата набора номера вследствие переносимости

номера недопустимо», — говорится в проекте.

Перенести можно будет лишь номера мобильной связи — перенос номеров, используемых для предоставления услуг фиксированной телефонной связи, к сетям мобильной связи и наоборот запрещается. Если номер перенесен ошибочно, то его можно будет вернуть — прописан и этот порядок.

Подробнее ознакомиться с проектом (<https://regulation.gov.uz/ru/document/1539>), внести в него свои предложения и замечания можно до 2 января 2019 года.

ОБРАЗОВАНИЕ

В IUT ОТКРЫЛСЯ ЦЕНТР ФИНАНСОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ



20 декабря 2018 года в Университете Инха в Ташкенте (IUT) состоялась церемония открытия Центра финансовых технологий Sanoat Qurilish Bank (Financial Technology center of Sanoat Qurilish Bank).

Создание данного центра предоставит возможность студентам университета провести и укрепить на практике свои теоретические знания и навыки во всех направлениях банковского бизнеса с исполь-

зованием информационно-коммуникационных технологий.

Университет Инха в Ташкенте и Sanoat Qurilish Bank подписали Меморандум о взаимном сотрудничестве.

Согласно данной договоренности, в здании университета создан Финансово-технологический центр Sanoat Qurilish Bank по автоматизации банковских услуг и операций (Financial Technology center of Sanoat Qurilish Bank).

На основе данного мероприятия, представители банка и компания SAP предоставляют возможности для расширения знаний и опыта студенческой молодежи, благодаря созда-

нию в Центре программного обеспечения и внедрения в систему ИКТ банка, организации на этой основе бизнес-процессов для новых банковских услуг и аналитических отчетов.

В рамках данного сотрудничества, уделяется большое внимание повышению современных знаний студентов. В этих целях в 2018-2019 учебном году выбраны 12 студентов 3-4 курсов, обладающие высоким рейтингом. Также создаются условия для укрепления в будущем их непосредственной связи с банком, своевременного укомплектования резерва кадров банка для информационно-коммуникационной сферы.

БИЗНЕС

В ТАШКЕНТЕ ЗАПУСТИЛИ ТОРГОВУЮ B2B-ПЛОЩАДКУ ДЛЯ ТЕКСТИЛЬНЫХ КОМПАНИЙ

В Союзе молодежи прошел запуск первой текстильной электронной торговой площадки Узбекистана Uzbtexfile.

Сайт объединит производителей текстиля из Узбекистана с покупателями со всего мира. Проект рассчитан исключительно на B2B-сегмент.

«С открытием границ местные производители почувствовали увеличение конкуренции. В то же время зарубежные импортеры сталкиваются с трудностями при поиске текстильных компаний в Узбекистане. Чтобы решить все проблемы разом, создали онлайн-площадку, аналоги которой есть во всех странах с развитой текстильной промышленностью», — сказал сооснователь Uzbtexfile и Fratelli Casa Шохрух Каюмов.

ГОСУСЛУГИ

ПОДАТЬ ЗАЯВЛЕНИЕ НА ЗАМЕНУ ВОДИТЕЛЬСКИХ УДОСТОВЕРЕНИЙ ТЕПЕРЬ МОЖНО ОНЛАЙН

Подать заявление на замену водительских удостоверений теперь можно онлайн — соответствующая услуга запущена на Едином портале интерактивных государственных услуг. На это обратило внимание издание «Норма».

Водительские права нужно менять до 2020 года. Сделать это можно, в том числе, в Центрах государственных услуг:

Ташкент (Центры государственных услуг Мирабадского, Чиланзарского, Алмазарского, Юнусабалского, Мирзо-Улугбекского, Учтептинского, Шайхонтохурского, Яккасарайского и Яшнабадского районов);

Ташкентская область (Центр государственных услуг г. Чирчик);

Наманганская область (Центр государственных услуг г. Наманган);

Самаркандская область (Центр государственных услуг г. Самарканд);

Сурхандарьинская область (Центр государственных услуг г. Термез);

Ферганская область (Центр государственных услуг г. Коканд).



Бухарская область (Центр государственных услуг г. Бухара).

Ожидается, что новая услуга позволит значительно сэкономить время и упростит подачу заявления на замену старых документов на новые образцы. Чтобы воспользоваться ей, юридическому или физическому лицу необходимо:

■ заполнить форму заявления с указанием необходимых данных;

■ в течение семи дней явиться с ней в Центр государственных услуг с оригиналами документов (паспорт; старое водительское удостоверение и талон);

■ произвести оплату госпошлины — 70% от МРЗП, сфотографироваться и получить новое водительское удостоверение.

АВТО

«УЗАВТОСАНОАТ» ОТМЕНИЛА ОБЯЗАТЕЛЬНЫЙ АВАНС ПРИ ОНЛАЙН-ПОКУПКЕ АВТОМОБИЛЕЙ

«Узавтосаноат» отменила обязательный авансовый платеж при онлайн-покупке автомобилей, сообщили в компании.

«По многочисленным просьбам покупателей, а также для дальнейшего создания справедливых и более прозрачных условий покупки автомобилей GM Uzbekistan через онлайн-систему Uzavtosavdo, компания отменяет бронирование и обязательную оплату авансового платежа в размере 3%», — говорится в сообщении.

Там же отмечается, что уже достигнуто сокращение срока поставки автомобилей до 45 дней.

После тщательного изучения отзывов покупателей стало очевидно, что бронирование и авансовый платеж в размере 3% препятствуют своевременной поставке автомобилей.

Теперь покупка автомобилей через Uzavtosavdo доступна при условии оплаты стоимости автомобиля в размере 85% или 100%, а очередность получения автомобиля будет формироваться с даты осуществления оплаты.

Так, первый оплативший 100% стоимости автомобиля получит свой автомобиль одним из первых. Уже доступен весь объем контракций на 2019 год.



ОНГДА ИДРОКНИ ШАКЛЛАНТИРАМИЗ

Идрокка қисқа қилиб таъриф берадиган бўлсак, бу — муайян жараёнга диққатли бўлиш ва унинг оқибатини таҳлил қилиш дегани. Оқибатини аниқлаш, ўз навбатида шу жараёни назорат қилиш ва энг маъқул қарорни қабул қилишидир.

Идрок ва мушоҳада билим натижаси эмас. У миёдаги кўникма. Бу кўникмани шакллантирган одам барча вазиятда, турлича масалаларда яхши ечимни излаб топиши, муносиб қарор қабул қилиши мумкин.

Мисол учун, ақли одам доим ҳам мушоҳадали ёки мушоҳадали одам доим ҳам ақлли бўлавермайди.

Модомики, инсон ўй-хаёллари ва ҳисларини назоратда тутиб тура олмас экан, унда идрок ҳам, диққатини жамлаш ва нимагадир тўғри муносабатда бўлиш кўникмаси ҳам бўлмайди.

Инсон ўз танасини, мушакларини кўз-кўз қилишни яхши кўради. Аммо барчамиз ҳам миёда худди шундай мушаклар борлигидан, турли машқ ва усуллар орқали уларга ҳам салобатли кўриниш бериш мумкинлигини билмаймиз.

Миёдаги мушаклар бизга диққатимизни жамлаб, узоқни кўришга, вазиятни тезроқ аниқлашга, керак пайтда ҳисларга қулоқ ёпиб, керак пайтда тилни тийишга ёрдам беради. Психологияда идрок руҳиятнинг клиник доираси ёки руҳиятнинг таҳлилга бўлган эҳтиёжи билан боғланади. Уни юксалтириб бориш инсон ҳаётини янада гўзаллаштиради.

Рухшунос ва тадқиқотчи Юна Кангнинг фикрича, идрок ва мушоҳаданинг 4та муҳим омили бор.

Бохабарлик — мавжуд маълумот ҳақида ҳам руҳан, ҳам жисмонан хабардор бўлиш. Бу, масалага оид қарама-қаршиликларни солиштириб, унга муносабат билдиришнинг асосидир.

Диққатнинг барқарорлиги — айни вақтда содир бўлаётган жараённинг ички ва ташқи сабабларини кузатиб бориш. Мушоҳада қилганда инсон масалага оид аввалги жараёни ҳам диққатдан узоқлаштирамайди.

Айни пайтга диққат

қилиш — барқарор диққат каби, идрокли ҳамда мушоҳадали одамлар жараённинг ҳозирги ҳолатини ҳам кўздан қочирмайди. Афсуски, бугунги куннинг энг катта муаммоси — диққатни жамлаш билан боғлиқ.

Холис қарор қабул қилиш — мушоҳадали одам жараён ҳақидаги ўй-хаёллар, ҳисларни аралаштирмасдан, шошма-шошарлик билан хулоса чиқармайди. Ҳаммасига оқиллик билан баҳо беради.

Куйида эътиборингизга идрокли ва мушоҳадали бўлишга, онгда идрок кўникмасини шакллантиришга оид тавсияларни бермоқчимиз.

Яхши тингловчи бўлинг

Яхши тингловчи қаршисидаги инсоннинг ҳар бир сўзига диққатли бўлади. Бунда диққатнинг барқарорлиги муҳим ўрин тутати. У суҳбатга ҳар қандай шароитда эътибор билан ёндашишни таъминлайди.

Муносабат

билдиришга шошманг

Кўп ҳолларда инсоннинг ички овози уни жаҳолатга бошлайди. Айниқса, инсон ёшлик чоғларида қарор чиқаришга шошиб қолади. Сизга тақдим этилаётган маълумотларга нисбатан муносабатда бўлишдан аввал уларнинг асосли эканлигини аниқланг. Агар муаммоли вазиятда бўлсангиз, асабийлашманг. Асаб толаларининг зўриқиши — керакли ахборотнинг миёга етиб боришига, инсоннинг фикрлашига тўсқинлик қилади. Ўринли саволни ўз пайтида самимий оҳангда беринг.

Журъатли бўлинг

Ҳақиқатни тан олиш ёки таваккал қилиш учун журъат керак бўлади. Ички овозга қарши бориш ҳам инсоннинг қатъий феъл-атворидан дарак беради. Зарур пайтда адолатли бўлишга интилинг.

Диққатни мақсадингизга қаратинг

Баъзида китобнинг бир саҳифасини ўқиб тугатиб, унинг бирор жумласига ҳам тушунмаган вақтларимиз бўлади. Сабаби, мақсад ва диққат ўзаро қовуша олмайди. Гарчи, инсоннинг кўзи жумла-

ларни ўқиса ҳам, миёга бирор маълумот етиб бормайди. Бунинг барчаси диққатнинг бўлинишидандир. Натижала, ўша саҳифани қайта ўқиб чиқишга мажбур бўламиз.

Хотираларни

тез-тез эсга олинг

Анча йиллардан кейин дўстларимиз билан учрашиб қолсак, ҳар доим ҳам гапни гапга уланиб кетиши қийин бўлади. Баъзида бундай учрашувларга завқ бағишлайдиган энг яхши хотиралар эсдан кўтарилиб кетиши мумкин.

Хотира — бу тажриба дегани. У бирор ишга киришганда шу билан боғлиқ олдинги билимни ёдга олиб, хулосалар асосида янги ва муваффақиятли қадамни ташлашга ёрдам беради.

Яқинларингизга

эътиборли бўлинг

Фарзандингиз бўлса, уни кун давомида 15 дақиқа кузатинг. Боланинг феъл-атвори, қизиқишлари юзасидан хулосалар чиқаринг ва режалар қабул қилинг. Отанонангизга эътиборли бўлинг!

Осуда табиат кўйида

сайр қилинг

Бир кунда 15-20 дақиқа давомида табиат кўйида сайр қилиб, табиатни кузатинг, ўзгаришларга қаранг. Бундай вақтда шошманг. Шошган одам идрок қила олмайди.

2013 йилда Буюк Британияда ўтказилган тадқиқот хулосалари шуни кўрсатдики, табиат кўйида, яшиллик бағрида сайр қилиш инсонга диққатни жамлашига, кераксиз халлардан халос бўлишига ёрдам берад экан.

Ижодий ёндашув, яратувчанлик

Санъаткорлар, рассом ва адиблар ўз номи билан идрок одамларидир. Улар кун давомида камида 10 соат идрок ва мушоҳада билан банд бўладилар. Сизда ҳам расм чизиш ёки шеър битишга қизиқиш бўлиши мумкин. Ёзингизча қўшиқлар хиргойи қилинг ёки бирор нима яратинг.

Иланишлар ижодий ёндашувга киришган одамларнинг идрокли ҳам чуқурлашишини кўрсатмоқда.

"Агар сизга кичик балиқ керак бўлса, зовурга боринг. Агар каттароқ балиқ ушлаш ниятингиз бўлса, дарёга боринг". Яъни, эҳтиёжларингиз доирасида идрок қилиш - онг-шуурда мушоҳада кўникмасини шакллантиришнинг осон йўлидир.

Кўп телефонига боғланиб қолманг

Сўнгги йилларда электрон қурилмаларнинг кўпайиб бораётгани инсонларда диққатлиликнинг йўқолишига ҳам сабаб бўлмоқда. Ҳар замон мобил қурилмаларга мўралаш, уларни титкилаш бирор ишга диққат билан киришишнинг белига тепади. Шу сабабли, улардан фойдаланиш қоидаларига амал қилинг.

Тилингизга эрк берманг

Бу кўникмани онгда ва руҳиятда шакллантиришнинг усуллари кўп. Мисол учун, китоб мутулаа қилиш. Кўп китоб мутулаа қиладиган одамлар камгап ва оғир-босиқ бўлишади.

"Олдига кўйганни емоқ — ҳайвоннинг иши, оғзига келганни демоқ — нодоннинг иши" деган экан бобомиз Алишер Навоий. Инсон бирор нимани оғзига солишда қанчалар эҳтиёткор бўлса, оғзидан бирор сўзнинг чиқишига ҳам шу қалар эътиборли бўлиши керак.

Кексаларни тингланг

Кексаларнинг маслаҳати — энг қимматли билим.

"Бошидан ўтказган — табиб" деган нақл бор. Бобо-бувингиз, ота-онангиз билан маслаҳатлашиб, уларнинг насиҳатига қулоқ тутинг. Буюк файласуф Сукрот шогирдларидан бирининг идрокини синовдан ўтказиш учун ундан ҳаёт ҳақидаги фикрларини сўрабди. Аниқ-тиниқ жавоб ололмагач, шогирдини етаклаб бозорга борган экан.

Хулоса шундай — атрофни кузатиш, кимнингдир хатти-ҳаракатидан, тақдирдан хулоса чиқариш — идрок ва мушоҳаданинг тиниқлашуви-га хизмат қилади.

Шухрат САТТОНОВ

"Агар сизга кичик балиқ керак бўлса, зовурга боринг. Агар каттароқ балиқ ушлаш ниятингиз бўлса, дарёга боринг". Яъни, эҳтиёжларингиз доирасида идрок қилиш — онг-шуурда мушоҳада кўникмасини шакллантиришнинг осон йўлидир.



Сўнги йилларда ахборот технологиялари шунчалик тез ривожланмоқдаки, баъзан ортидан қувиб етишимиз қийин бўляпти. Бугун кундалик турмушимиз учун олган бирон техникамиз эртаси кун эскириб қоляпти. Энди узоқдаги танишимизга қўнғироқ қилишимиз учун туман ёки шаҳар марказига бориб, марҳум қизиқчи Ҳожибой Тожибоев айтганидек, “Бухоро! Бухоро!” деб бақиримиз шарт эмас.

ҚУЛОҒИ ТИНЧ БЎЛИШНИ ЎЙЛАЁТГАН ИДОРАЛАР

ЁХУД ФАРМОНБИБИ БИР КУН БЎЛМАСА...

Ўн-ўн беш йил илгари ким ўйлабди дейсиз, Болтабой отанинг “чекка бир қишлоқнинг чекка уйида” аччиқ кўк чой ичиб, болишга ёнбошлаганча Америкада ишлаётган ўғли, неваралари билан телефон экранида бир-бирини кўриб юзма-юз гаплашад деб. Агар коммуникация технологиялари ривож шун тезликда кетса, яқин беш-ўн йилдан сўнг қандай бўлишини тасаввур қилиш ҳам қийин.

Хуллас, бугун бу мавзу ҳақида гапирмоқчи эмасмиз, кириш қилиб, бироз “қизиб” олдик, холос. Яқинда ишга келиб хонага кирсам, ҳамкасбим кейфийатсиз ўтирибди. Сабабини сўрасам, “Архитектура институтига эрталабдан бери кўнғироқ қиламан. Қаранг, соат 11 бўляпти, ҳеч ким жавоб бермайди. Нима, бугун уларга дам олиш эълон қилинганми?! Кеча Тошкент тиббиёт академиясига кўнғироқ қилсам, “АТС”ига тушибман. Шу-да, Фармонбиби бўлмаганидан кейин телефон ҳам ишламайди”, — деди мийғида кулиб.

Хонадошимнинг фиғони фалакка кўтарилганича бор. Ҳақиқатан ҳам иш юзасидан бирон вазирилик ёки давлат идораларига кўнғироқ қилсангиз, аксарият ҳолатларда гўшакни ҳеч ким кўтармайди ёки “бу рақам билан вақтинча боғланиш мумкин эмас”, деган жавобни оласиз. Бундай вазиятларда яна “1009”га кўнғироқ қилиб, “Хизмат ҳақини олапсизлар, ишлайдиган рақамни берсаларинг бўлмайми?!” дея, “Ассалому алайкум, оператор эшитадими” деб гўшакни кўтарган майин овоз эгасининг ҳам қай-

фиятини бузамиз. Мижозларнинг бундай муомаласига “оператор” қизлар ўрганиб ҳам кетгандир, аммо биз ҳеч ўрганоламаяпмиз.

Умуман, бундай вазиятда ким айбдор? Ишламайдиган, ишласа ҳам ҳеч ким жавоб бермайдиган рақамларни берган “справочная” хизматини ёки ходимларини “дам олишга чиқариб юборган” ташкилотларми? Маълумотлар хизматида нима учун айрим расмий идораларнинг, мисол учун Тошкент шаҳар ҳокимлигининг рақами шу пайтгача киритилмаган? Умуман, бу хизматда қандай рақамлар, маълумотлар бўлиши керак? Бу каби саволларга жавоб олиш мақсадида “Ўзбектелеком” АК қошида ташкил қилинган “1009” маълумотлар бериш хизматига мурожаат қилдик.

— Туну кун ишлайдиган Call-Center хизмати абонентларга Тошкент шаҳри бўйича ўндан ортиқ турдаги маълумотларни тўлов асосида бериш имкониятига эга, — дея гап бошлади ўзини етакчи мутахассис деб таништирган Дилдора Исмоилова. — Сиз ҳатто бизнинг операторлардан ўзингиз тушунмаган бирон сўзнинг маъноси ёки таълимини ҳам сўрашингиз мумкин. Энди сиз кўтарган масала бўйича гапирадиган бўлсам, абонентларнинг “дўқ-пўписа”лари биз учун одатий ҳол бўлиб қолган. Чунки, бунда бизнинг айбимиз йўқ. Ташкилотлар биз билан боғланиб, “1009” хизматига қайси телефон рақамларини бериш-бермасликни ўзлари ҳал қилади. Истамаса, бермаслиги ҳам мумкин. Биз эса ўртада воси-

тачимиз, холос. Ҳақиқатан ҳам айрим идоралар маълумотлар хизматига қулоғи тинч бўлиши учунми, умуман ишламайдиган, ишласа ҳам ҳеч ким жавоб бермайдиган, баъзида эса факс рақамларини бериб қўяди. Натижада бу абонентларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўляпти. Вазирилик бўладими, давлат идораларини, ўзини, ташкилотини ҳурмат қилса, маълумотлар хизматига қабулхона ёки доимо хизмат кўрсатиш доирасида бўладиган рақамларини бериши лозим. Абонентлардан асосий эътирозлар давлат ташкилотларига бўляпти, хусусий муассасалар бўйича эса бундай муаммо йўқ.

Давлатимиз раҳбари “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, — дея деярли барча учрашувариди таъкидлаётган эса-да, нодавлат ташкилотларга қараганда давлат идоралари билан боғланиш жуда қийин бўлмоқда. Агар бирон маълумот олмоқчи бўлиб мурожаат қилсангиз, у рақамдан бу рақамга кўнғироқ қилавериб чарчайсиз. Лекин барибир истаган маълумотларни ололмайсиз.

Бу материални тайёрлаш жараёнида интернетдаги Call-Centerлар хизматлари фаолияти билан шунглик. Бугун бундай хизмат турини таклиф қилаётган фирмалар шунчалар кўп эканки, қайси бирига мурожаат қилишни билмай бошингиз қотади. Дори-дармон ёки тиббий хизмат керакми, марҳамат, шу йўналишда маълумот берувчи ўнлаб фирмалар бор. Коммунал хизматларни таклиф қилаётган таш-

килотларнинг эса саноғи йўқ.

Шу ўринда, бундай фирмаларнинг интернетдаги “сайт”лари асосан рус тилида яратилган экан. Ҳатто айрим давлат идораларининг сайти ҳам фақат рус тилида. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига эса яқинда 30 йил тўлади. Ўзбекча яратилган сайтлардаги маълумотлар ҳам ёғиз-ёғиз хатоликлар билан тайёрланган.

Хуллас, бугун кўтарилган масала бўйича ҳам гапириверсак гап, ҳал қиламиз десак муаммо кўп. Ҳамма гап мавжуд хато ва камчиликларни тезроқ барфарағ этишда. Аммо бу ишларга ким, қайси ташкилот бош-қош бўлади? Call-Center хизматларига берилаётган маълумотларнинг тўғри ва аниқлиги, Ўзбек тилидаги “сайт”лар талаб даражасида яратилмаганига ким жавоб берилади, қайси ташкилот назорат қилади?

P/S: “1009” хизматида кўнғироқ қилиб, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг рақамларини сўрадик. Афсуски, “справочная”да кенгаш ҳақида маълумотлар йўқ экан. Call-Center билан боғланиб, сўралган барча маълумотларни бердик ва улар бизни ҳам “хизмат доираси”га қўшиб қўйишди. Энди фуқаролар “1009” хизматида мурожаат қилиб, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши билан тўғридан-тўғри боғланишлари мумкин. Бизда барча телефонлар ишлаб турибди.

Равшан МАҲМУДОВ,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар
кенгаши матбуот котиби

“Давлатимиз раҳбари “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, — дея деярли барча учрашувариди таъкидлаётган эса-да, нодавлат ташкилотларга қараганда давлат идоралари билан боғланиш жуда қийин бўлмоқда.”

Хонанда Баҳодир Мамажондай марди кам. Ҳофиз ҳеч қачон айбидан тонмаган жўмарддай туюлади менга. Машҳур қўшиқларидан бири бунга далил: "Ўша кун мен ма-аст эдим, мен ма-аст эдим...". Отволган одам қачон айбини тан олган, а? Балли. Ҳофизимизнинг бировдан қўрқадиган жойи йўқ. Борини тўкиб соляптики, бундан кўплар — биринчи навбатда Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ йўл-патрул хизмати инспектори Турсунбой Юнусов ва ҳайдовчи Сайфулло Санаев ўрناق олиши керак!

ЎША КҲН КИМ МАСТ ЭДИ?

Нега?

Гап шундаки, шу йилнинг 18 ноябр куни ЙПХ инспектори Т.Юнусов фуқаро Сайфулло Санаевни маст ҳолда автомобил бошқарганликда айблаб, баённома тузади ва дарҳол улов — "Матиз"ни жарима майдончасига тиқиб қўяди. Ўша кун ҳайдовчи ростдан ҳам "отволганмиди" ёки маст одамга ўхшаб кўринганми, шунингдек у ҳаракатланиб кетаётган пайтда қўлга тушгандими ёхуд йўл четида ҳаракатсиз турганидами — булар алоҳида, жиддий суриштирув талаб қиладиган жараён. Бироқ факт шуки, баённома тузилди, иш судга оширилди...

Ҳамма машмаша шундан кейин бошланди денг. Судга С.Санаев эмас, мутлақо нотаниш-бегона Бобур Абдураҳмонов деган фуқаро қақирилди! Қандай? Маълум бўлишича, инспектор С.Санаевни ушлаган-у маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишни мутлақо бегона шахс — Бобур Абдураҳмонов номига расмийлаштирибди?! Энг қизиғи, иш ҳужжатларига Абдураҳмоновнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси тиркалган бўлиб, у (Абдураҳмонов) бу "права"сини йўқотиб, топилшига умид қолмагач, аллақачон янгисини олиб улгурган экан?

Бировнинг йўқолган ҳайдовчилик гувоҳномаси инспекторнинг қўлига қандай тушиб қолгани ва у юридик кучини йўқотган ҳужжат асосида қандай қилиб маъмурий иш ясаган — бу энди қатта жумбоқ!

Инспектор ҳайдовчини ўзиники қолиб, ўзганинг "праваси"ни берганликда айбляпти? Ҳайдовчи эса буни зўр бериб инкор этаётир. Ҳар иккисининг гапини мантиқ тарозисига қўйсақ, ҳайдовчи турган палла оғирроқ келиши табиий. Ҳўп, Санаев бировнинг ҳайдовчилик гувоҳномасини берган ҳам дейлик. Инспектор ҳужжатга қарамалимикан? "Права"да



эгасининг сурати ёпиштириб қўйилади, ахир?!

Одам одамга ўхшайди-ку, дейсизми? Балли, бу гапга ҳам қўшилдик. "Матиз" Санаевнинг рафиқаси номида. Баски, Абураҳмонов Санаевга икки томчилек ўхшаган тақдирда ҳам фамилиялар бошқа-бошқа-ку? Наҳот, ҳужжатларни кўздан кечириб чоғида ишончнома, сугурта қоғози қани, деган савол туғилмади инспекторда? ЙПХ инспекторининг ҳайдовчилар берадиган саволи маълум: "Права қани?", "Ишончнома-чи?", "Сугуртани кўрсатинг" ва... "Ичмаганмисиз"? Бўлди. Мулоқот шу саволлар теварағида бўлади, холос. Шундай экан, ҳайдовчилик гувоҳномасига тузукроқ разм солмай, ишончнома бор-йўқлигини суриштирмай, сугурта қоғози ҳақида қизиқмай Эшматни ичганликда айлаб, Тошматга нисбатан ҳужжат расмийлаштириш... тасаввурга сизгандими?

Шу ўринда Санаевга ҳам савол йўқ эмас: баённомани имзолаганмиди? Ҳа! Ўқиб чиқиб, кейин қўл қўйилганми? "Йўқ"! Албатта, "йўқ" дейиш осон, бироқ буни исботлаш қийин. Негаки, аксарият инспекторлар баённо-

ма тузиш чоғида ҳужжатни чала-чулла тўлдириб, ҳайдовчига имзо қўйдирволиш пайида бўлади. Имзо нақд экан, баённомани кейинроқ, хотиржа-ам тўлдириб мумкин-да. Ўша пайтда илҳом хурж қилса борми, ҳайдовчини урди Худо: содир этган қоидабузарлигиданам кўра оғирроқ "нарушение"га мустаҳқик этилиши ҳеч гапмас. Ҳужжатда имзоси бор экан, минг чиранмасин, фойдаси йўқ!..

Хуллас, масаланинг аталаси чиқибди: ЙПХ инспектори ҳайдовчини мастликда айблайди, бироқ ҳужжатларда "айбдор" бошқа одам бўлиб чиқди. Ўз навбатида, ҳайдовчи бўш келишни хоҳламайди: мен эмас, инспекторнинг ўзи маст бўлса керак, йўқса, етти ёт бегонага нисбатан ҳужжат расмийлаштирармиди, деб?

Ким нима демасин, бир нарса аниқ: бундай жумбоқли ҳолат юзага келишига соғ одам сабабчи бўлмайди, тўғрими?

...Томонларни Баҳодир ҳофиздан ўрناق олишга чақириб осон, албатта. Хонанда ишқ азобидан оҳ чекиб нола қилади-да кўшиқда. Айни пайтда қахрамонларимизнинг кўнглига

ишқ-муҳаббат сиғармиди?! Ўртада маъмурий ва қаттиқ интизомий жазо эҳтимоли кўндаланг турар экан, томонлар бунақа қўшиқ тинглаб, ундан ўрناق олиш уёқда турсин, зўр бериб куйлаётган ҳофизнинг бошига тори билан бошлаб тушириши мумкин: "Ўчир-е, овозингни!". Яхшиси инспектор ва ҳайдовчини ўз ҳолига қўйиб, хонандага юзланамиз: "Ҳофиз, "Ўша кун мен ма-аст эдим"нинг иккинчи қисмини ёзсангиз қандай бўларкин, унинг номи "Ўша кун ким ма-аст эди?" дея аталса, нур устига аъло нур! Вақт сероб, мана, бир ойдирки, шугина масала Горбачёвнинг маърузасидек чўзилиб ётибди, ойдинлик кирганича йўқ. Шунча пайдан бери Санаевнинг хотини номида бўлган "Матиз" қор-ёмғир остида жарима майдончасида ётибди. Ўтаётган ҳар кун машина соҳибасининг чўнтагига зарба бермоқда. Мутасаддилар машинани "банди"ликдан озод этишга шошиляётгани йўқ; худдики "Матиз" ўша кун ким ма-аст эканига гувоҳлик бериб қоладигандай гўё...

Ҳотам ТАМТАМ

“Хуллас, масаланинг аталаси чиқибди: ЙПХ инспектори ҳайдовчини мастликда айблайди, бироқ ҳужжатларда "айбдор" бошқа одам бўлиб чиқди. Ўз навбатида, ҳайдовчи бўш келишни хоҳламайди: мен эмас, инспекторнинг ўзи маст бўлса керак, йўқса, етти ёт бегонага нисбатан ҳужжат расмийлаштирармиди, деб?”

ПАҚИЛДОҚ ПАҚИЛЛАДИ...

“Хорижий кино-филмларда янги йил байрами кирганда мушакбозлик авжига чиқиши саҳналарини болаларимиз қаторида ўзимиз ҳам мириқиб томоша қиламиз. Бу ҳатто бизда ҳам одатга айланди.”

Дам олиш кунларининг бирида рўзғорга ул-бул нарсалар харид қилиш ниятида бозорга чиқдим. Одам гавжум. Одатда, ҳайит кунлари арафасида ёхуд Янги йил байрамига санокли кунлар қолгандагина бозор шунақа бўларди. Расталар қолиб, бозорнинг катта эшиги йўлагини майда-чуйда сотувчилар эгаллаб олганидан юришга йўл йўқ.

Юртимиздан айланай, деҳқон бозорида йўқ нарсанингни ўзи йўқ. Сархил меваларни кўриб кўзим қувнаб турган бир пайтда, яқин атрофда нимадир пақиллади. Одам кўп эмасми, гурр этиб қочаман деган борки, оёғи қоқилиб бир-бирининг устига йиқилишди. Гавдасини эгилмаган барзангидай эркак қўлларидан лимон ушлаб турган жиккаккина сотувчи аёл



устига кулади...

Ҳамма ўзи билан ўзи андармон бўлиб турган вақтда пақилдоқни пақиллатган бир ўсмир оломон орасида кўздан гоийб бўлди.

Хорижий кинофилмларда янги йил байрами кирганда мушакбозлик авжига чиқиши саҳналарини болаларимиз қаторида ўзимиз ҳам мириқиб томоша қиламиз. Бу ҳатто бизда ҳам одатга айланди. Янги йил байрами кириши билан кимўзарга айланган мушакбозлик кулоқни қоматга келтириладиган бўлганди. Ўша пайтларда бу "анъана"дан орттирилган салбий оқибатлар

ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади... Мамлакатимизда пиротехника воситалари савдосига қарши кураш бошланганига йигирма йил бўлибди. Мазкур воситаларнинг зарарли таъсирлари боис қатор қонун ва қарорларга ўзгартиришлар киритилди. Шукрки, ўтган йилдан пақилдоқ балосидан анча кутулиб қолдик. Барибир ўтган байрам кечасида ҳам онда-сонда хлопш-калар товуши кулоққа чалиниб турди. Жорий йилдан қонунга амал қилмаганларга жиноий жавобгарлик кучайтирилаётганига қарамай, кўча-кўйда юқоридаги ҳолатга

ўхшаш пақилдоқлар пақиллаб турибди. Бундан келиб чиқадими, бозорларда ўтказилаётган рейдлар, божхона постларида ўрнатилган қатъий назорат ҳамда ёнғин хавфсизлиги ходимларининг байрамолди аҳоли тураржойлари текширувларига қарамай, айрим кимсалар томонидан қўлбола пиротехника воситалари тайёрланиши давом этмоқда.

Тўғри, ҳар биримиз байрам, шодиёна кунларимизнинг саргузаштларга бой, қизиқарли кечини истаймиз. Деярли ёш болалар ҳам эндиликда пақилдоқлардан фойдаланиш қонун билан таъқиқланганини яхши билишди. Аммо атрофимизда қизиқувчан, пақилдоқ пақиллатмаса байрам татимайдигандек дунёқарашли тор кишилар ҳам йўқ эмас. Агар биз безътибор бўлмай, тушунтириш ишларини олиб бурсак, ўзимиз ва яқинларимизнинг хотиржамлигини таъминлаган бўлаемиз. Зеро, халқимиз осойишталиги учун барчамиз бирдек масъулмиз!

Наргиза МИРАЗИКОВА,
Тошкент алоқа касб-хунар коллежи ўқитувчиси

▶ ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ


ҲАМИША ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК!

“Фуқаролар хонадонларида иситиш тизими ва ёқилғи маҳсулотларидан фойдаланишда хавфсизлик талабларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги вазифалар Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига ҳам улкан вазифалар юклайди.”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 ноябрдаги "Аҳоли хонадонларида иситиш тизими ва ёқилғи маҳсулотларидан фойдаланишда хавфсизлик талабларига риоя этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан махсус тузилган гуруҳлар томонидан пойтахтимиздаги хонадонларда бўлиниб, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги чоралар кўздан кечирилляпти.

Ушбу тадбир ҳар йили айнан куз фаслининг охири — қиш фасли бошларида ўтказилаётганлиги бежиз эмас. Соҳа ходимлари бу даврга келиб, ҳароратнинг кескин пасайиши, қишли-қировли кунларнинг бошланиши фуқароларнинг иситиш мосламаларини ишлатишга бўлган эҳтиёжлари бирмунча ортishi, шу билан биргаликда, қўлда ясалган, носоз ва хавфсизлик нуқтаи назаридан ишлатишга мутлақо яроқсиз иситиш мосламаларидан фойдалана бошлашлари бунга асосий сабабдир.

2018 йилнинг ноябр ойидан



бошлаб Тошкент шаҳри ҳудудида газ ва ҳаво аралашмасидан чақнаш, фуқароларнинг исгазидан заҳарланиши ва бошқа нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати, фавкуллода вазиятлар бошқармаси, газ идоралари, электр таъминоти хизмати, ёнғинга қарши курашиш жамияти ва бошқа дахлдор ташкилотлар ходимларидан иборат 474та ишчи гуруҳи тузилиб, уларга жами 3850 нафар тегишли идора вакиллари бириктирилди. Мазкур гуруҳлар томонидан жорий йилнинг 24 ноябр кунига қадар 9259 марта рейд ўтказилди. Рейд-

лар давомида 1636та хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати-га тегишли ҳудудлар, 5963та маҳалла, кўп қаватли уйлардаги 288375та хонадон, маҳаллалардаги 732843та аҳоли турар жойи, 3096та дала ҳовлининг ёнғинга қарши ҳолати кўздан кечирилди.


Ҳамкорликдаги ишчи гуруҳлар томонидан кўп қаватли уйлар ва аҳоли турар жойларида ўтказилган текширувлар натижасида жами 63253та камчилик аниқланди. Жумладан, кўп қаватли уйларда 4746 та ностандарт шланглар орқали газ мосламаларига уланганлик ҳолати, 17 ҳолатда ноқонуний

равишда газ сўргичларидан фойдаланилаётгани аниқланиб, тегишли тартибда чоралар кўрилди.

Тадбир давомида тегишли идора вакиллари билан ҳамкорликда носоз лудбурон ва печларнинг 661та хавфсизлик автоматикалари таъмирланишига эришилди. Олиб борилаётган чоралар, тушунтириш ишларига қарамасдан тадбирларимиз бошланганидан буён жами 32та нохуш ҳолат содир бўлиб, 12та газ ва ҳаво аралашмасининг чақнаши билан боғлиқ ҳодисалар қайд этилди ва 22 нафар фуқаро куйиш тан жароҳатини олди. Газ исидан заҳарланиш ҳолати 19та бўлиб, уларда 37 нафар фуқаро жабрланди, 13 нафар фуқаро эса, афсуски, ҳаётдан кўз юмди.

Азиз юртдошлар, мақсад инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш экан, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлайлик! Олов, эҳтиёткорлик билан фойдаланилмаса, тилсиз ёв эканлигини унутмайлик!

Маҳмуд КАРИМОВ,
ЁХБ инспектори, сержант



Чингиз АЙТМАТОВ: “ЎЗБЕК-ҚИРҒИЗ – БУ МЕНМАН”

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори-га биноан Аҳмад Фарғоний номидаги Фарғона вилоят ахборот-кутубхона марказида навбат-даги маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Болалигимизнинг сўнгги йилларида “Жамила”, “Сарвиқомат дилбарим”, “Биринчи муаллим”, “Алвидо, Гулсари” қиссалари ҳаётимизга бор жозибаси билан кириб келганди. Энг покиза туйғулар қалбларимизга ўчмас бўлиб муҳрланган, сўз санъати сеҳрига мафтун бўлганча китоб мутолааси оламига бир умрга асир бўлгандик. Чингиз Айтматов асарлари 187 тилга таржима қилинган, 178 миллион нусхада чоп этилганини ҳисобга олсак, бадиий тафаккурнинг янги қирралари бутун дунёда, шу жумладан, бизнинг юртимизда ҳам ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос мунаққидлар, адабиёт ўқитувчилари, журналистларнинг кучли авлоди етишиб чиқишига хизмат қилган деб ишонч билан айтиш мумкин.

Ҳа, Чингиз Айтматов асарлари кириб бормаган бирор хонадон бўлмаса керак. Айниқса, Президентимизнинг мазкур қарори халқимиз юрагидаги буюк адибга бўлган меҳр-муҳаббатни янада жўш ургизди. Халқларимиз ўртасидаги

дўстлик ришталарини янада мустаҳкам боғлади. Зеро, адиб “Ўзбек-қирғиз – бу менман”, деган экан.

Глоблалашув жараёнлари оқибатлари инсон тақдирида, бугуни, эртаси ва ҳатто келажикда башарият қисматида содир бўлаётган ва содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларнинг бадиий талқинига бағишланган “Охиризамон нишонлари” (“Кассандра тамғаси”) фалсафий романи ёзувчининг шухратига шухрат қўшди. Жаҳон цивилизациясининг эртасига, маънавий, биринчи гада ахлоқий муаммоларига эътиборни қаратиб, жамиятни соғломлаштириш йўлларини қидириб топишга даъват этади. Экологик қисиргалар, ядро синовлари, “қора туйнуқлар”, “озон тешиклари”... Инсонларнинг ноинсоний хатти-ҳаракатлари... Фожиалар шундай тасвирланганки, китобхонни идрок этиш қийин бўлган ҳодисалар гирдобига ташлайди. Мушоҳадалаб, хулосалар аяшага ундайди: Атом бомбаси тугмачаси ихсурриёт васвасининг қўлига тушиб қолма-

син. Фан-техника ва иқтисодиётнинг мислсиз ривожланиши имонсизлик, виждонсизлик, шафқатсизликнинг авж олишига олиб келмасин. Адиб ёзувлик, ваҳшийлик уруғларининг келгусида қандай оқибатларни юзага келтиришини космик юксакликдан башорат қилади. Пулга худо даражасида сизиниш тамойиллари бурч ва эътиқод каби туйғуларга дахл қилишига сира йўл қўймаслик зарур. “Кулаётган тоғлар” асарида эса табиатга тажовуз, эҳтиёждан ортиқ юлиб қолишга интилиш фожиаси талқинланади.

Маънавий-маърифий тадбирда буюк файласуф ёзувчининг ижоди тўғрисида атрофлича фикрлашилди. “Асрга титигулик кун” романи, “Чингизхоннинг оқ булуту” қиссаси, “Ўтар қушлар ноласи” ҳикосига алоҳида тўхталинди. Тадбирда Фарғона давлат университети профессори, филология фанлари доктори Йўлдош Солижоновнинг “Чингиз Айтматов – адолат ва ҳақиқат куйчиси” монографиясининг Президентимиз қарорини ижро

этиш бўйича шугулланган барча мутахассисларга, шу мавзуда тадбирлар ўтказган корхона ва ташкилотларга, маҳалла кўмиталари ва ардоқли адиб ижоди билан қизиқувчи китобхонларга қимматли манба бўлиб хизмат қилгани мамнуният билан қайд этилди. Иқтисод фанлари доктори, профессор Д. Қурбонов, АКМ директори Шохидбек Аслонов, ФарДУ катта ўқитувчилари Исомбек Маннопов ҳамда Рустамжон Умрзоқовлар чиндан ҳам инсоният тақдири ҳақида жон куйдириб ёзиш ва эътироф этилиш бахти Чингиз Айтматовга насиб этганидан сўзладилар.

Иштирокчилар – АКМдан фойдаланувчилар, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тингловчилари таниқли адабиётшунос олим Йўлдош Солижоновдан ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларига жавоблар олдилар.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Хабар”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

МАЪРИФАТ ДАРСИ

ТЕЛЕКОМЧИЛАР БУХОРОДА ЙИФИЛДИЛАР

ТУРКҲИЙЛАР БУЮК СИЙМОСИ

“Ўзбектелеком” АК мониторинг ва хизмат кўрсатиш бўлими томонидан компаниянинг Бухоро филиалида сотув ва хизмат кўрсатиш офислари ходимлари учун тўрт кунлик ўқув семинари ташкил этилди. Семинар-тренингда республикамизнинг барча вилоятларидан келган соҳа ходимлари жойлардаги мижозларга хизмат кўрсатиш ва савдо офис менежерлари фаолиятини янада яхшилаш, хизмат кўрсатишни тезкор давримиз талаблари даражасига кўтариш бўйича тегишли тавсия, маслаҳат ва йўл-йўриқларни олдилар.

Семинар машғулотлари “Ўзбектелеком” АК мониторинг ва хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Гулноза Ҳакимова раҳбарлигида олиб борилди. Тингловчилар Бухоро шаҳри ва Котон тумани телекоммуникациялар боғламаларидаги сотув ва хизмат кўрсатиш офислари фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

– Интерфаол усулда ўтказилган машғулотлар барча ҳамкасбларим қатори мен учун ҳам фойдали бўлди, – дейди тадбир иштирокчиларидан бири – Сирдарё телекоммуникациялар боғламасининг мижозларга хизмат кўрсатиш савдо офиси менежери Дилноза Утеходжаева. – Ушбу сайёр тренинг давомида олган билим ва кўникмаларим, бухоролик ҳамкасбларим билан тажриба алмашганимиз кундалик иш фаолиятимизда асқотишига ишонаман. АКТ асрида ўзимиз танлаган соҳада кутилган натижаларга эришимизда бу каби семинар-тренинглар муҳим аҳамият касб этади.

“Ўзбектелеком” АК Тошкент филиалининг Фазалкент ТБ мижозларга хизмат кўрсатиш савдо офиси менежери Нуржан Назарбеков эса таассуротларини куйидагича баён этди:

– Бухорода илк мартаба ташкил этилган мазкур семинар-тренинг биз соҳа ходимлари ҳамisha ўқиб ўрганишимиз, ўз фикр доирамиз ва касб малакамизни ошириб боришимиз зарурлигини кўрсатди. Барча иштирокчилар қатори мен ҳам семинар-тренингдан олган билимларимни ўз кундалик фаолиятимда кенг қўллашни ва шу тариқа мижозларга сифатли хизмат кўрсатишни ўз олимга мақсад қилиб қўйдим.

Семинар-тренинг якунида барча иштирокчиларга тегишли сертификатлар топширилди. Шунингдек, Бухоронинг тарихий ва маданий ёдгорликлари ҳамда диққатга сазовор жойлари бўйлаб саёҳатлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Марҳабо НИГМАТОВА,
“Ўзбектелеком” АК
Бухоро филиали Call Center
хизмати бошлиғи

Жойларда буюк адиб ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган тадбирлар ўтказилди. Давлат фелдъегерлик хизмати шахсий таркиби иштирокчида бўлиб ўтган “Чингиз Айтматов асарларида инсон омили” мавзусидаги галдаги маърифат дарси ҳам қизиқарли ўтди. Тадбирда адибнинг нафақат ёзувчи, балки давлат ва жамоат арбоби сифатида халқлар ўртасида тинчликни, адабиётлараро дўстликни мустаҳкамлашда улкан ишларни амалга оширгани таъкидланди.

Муборак 90 ёшлик улуг тўйи тўйланаётган Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айна пайтла, бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди.

А.МИРМАҚСУДОВ,
ДФХ подполковниги

ИХТИРО



“Күёшни топган” 13 ёшли мактаб ўқувчисига 25 минг доллар берилди

АҚШнинг Калифорния штатида яшовчи 13 ёшли мактаб ўқувчиси Жоржия Хатчинсон катталар уддалай олмаган ишни бажарди — у Күёшга ўзи бурилувчи күёш батареясини яратди. Бу ҳақда ScienceAlert ёзмоқда.

Күёш нурларини электр энергиясига айлантириб бериши учун панелларга ултрабинафша нурлар зарур, яъни нур панелга муайян бурчак остида тушиши талаб этилади. Албатта, ўзи бурилувчи панеллар олдин ҳам ишлаб чиқилган, аммо уларда бунинг учун қimmat мосламалар қўлланилади, күёш батареялари чўнтакбоп эмаслигининг сабабларидан бири ҳам шу.


Хатчинсон ўйлаб топган тизим эса күёш батареяларига нур манбаини Океан ва атмосфера тадқиқотлари миллий бошқармасининг умумфойдаланишдаги маълумотлари базасидан топиб беради. Бу ахборот ёрдамида нейротармоқ Күёшнинг айни пайтда қаердалигидан келиб чиқиб панелларнинг оғиш бурчagini оптималлаштирилади.

Жоржининг лойиҳаси STEM Broadcom Masters танловининг бош мукофоти — 25 минг доллар билан тақдирланди. Бундан ташқари, у ўқийдиган мактабда STEM дастурини қўллаб-қувватлаш учун молиявий кўмак ҳам ажратилди.

ХАВФСИЗЛИК

Йилнинг энг ишончсиз пароллари маълум қилинди

SplashData компанияси 2018 йилда фойдаланувчилар ишлатган энг ёмон пароллар рўйхатини маълум қилди.



Рўйхат тармоққа чиқиб кетган беш миллионга паролнинг тахлили асосида тузилган. Маълум бўлишича, йиллар ўтгани билан фойдаланувчиларнинг одағлари ўзгармаган. Энг оддий парол яна “123456” бўлиб чиққан.

Энг ёмон пароллар бешталигига тўртта оддий сонлар тўплами кирган. Учинчи ўринни “123456789”, тўртинчи ўринни “12345678”, бешинчи ўринни эса “12345” эгаллаган. Яна бир кенг тарқалган пароллардан бири — инглизча “password” (“парол”) сўзи.

КОСМОС

Фазодан йўлланган овоз

Бундан роппа-роса 60 йил аввал — 1958 йилнинг 18 декабр кунин АҚШ Ер орбитасига илк алоқа йўлдошини учирди. SCORE ериқларнинг хабарларни трансляция қилиш бўйича биринчи тажрибаси, “гапирувчи” илк йўлдоши эди.



Йўлдош узоқ муддатга мўлжалланмаганди, у орбитада атиги 34 кун “яшади”. Бироқ АҚШнинг 34-президенти Дуайт Эйзенхауэр йўллаган хабарни узатиб, ўз номини тарихга ёзди: “Қўшма Штатлар президенти гапирапти. Техника мўъжизаси космос орқали учиб бораётган йўлдош орқали сизларга мени тинглаш имконини бериди. Хабарим оддий. Мен сиз ва бутун инсониятга Америка Ер юзиде тинчликни исташини ва барча инсонларга яхши ният тилашини билдираман”.

“Гапирувчи” йўлдош 13 кун давомида хабарлар жўнатиб турди.

ДИСПЛЕЙЛАР

Samsung дунёдаги энг йирик LED-экранни тақдим этди

Samsung Electronics компанияси дунёдаги энг йирик светодиоли (LED) экранни ишлаб чиққанини маълум қилди. 3Дни кўловчи Onyx Cinema экрани Хитойнинг Пекин шаҳридаги Capital кинотеатрига ўрнатилди.

Компания Пекиндагига ўхшаш 14 метрли дисплейларни жаҳондаги бошқа кинотеатрлар учун ҳам тақдим этишини билдирди.

Samsung компанияси Onyx туркумидаги илк катта экранни (10 метрли) 2017 йил июл ойида тақдим эттанди. Бозордаги талабдан келиб чиқиб, экран 14 метргача катталаштирилди.

Capitalдаги экран 4К, HDR каби сифатларни ўзида жамлаган, ёрқинлиги 88fL (фут-ламберт), яъни стандарт проекторлардан олти карра ёрқинроқ.



ТРАНСПОРТ

Элон Маск Лос-Анжелесдаги ер ости туннелини очиб берди

Америкалик тадбиркор ва миллиардер Элон Маск Лос-Анжелесда ўзининг яна бир компанияси — The Boring Companyнинг биринчи туннелини очди.



Бу автомобилчиларга тезроқ ва тирбандликларсиз ҳаракатланиш имконини берадиган биринчи туннелдир.

Туннелда тез ҳаракатланиш учун автомобиллар керак бўлганда чиқариладиган ва керак бўлмаганда олинандиган ён филдираклар билан жиҳозланади. Бу технологияни Маск ўзининг Tesla автомобилида намойиш этиб берди. Унинг айтишича, бундай филдиракларни бошқа русумдаги автомобиллар учун ҳам тайёрлаш ва ўрнатиш мумкин.

Ушбу туннелда ўртача ҳаракатланиш тезлиги соатига 240 километри ташкил этади.

SpaceX бош офисидан бошланиб Лос-Анжелеснинг 120-кўчасида тугайдиган туннелнинг ҳозирча 3 километри очилган. Элон Маск келгусида Лос-Анжелес бўйлаб ҳайдовчисиз бошқариладиган автобуслар ва шахсий автомобилларга мўлжалланган ер ости йўлларини бунёд этишни режалаштирмоқда.

Кейинчалик туннелдан тезюрар йўловчи капсулалари ҳаракатлана бошлайди.

Синов туннели курилиши учун The Boring Company 10 миллион доллар сарфлаган.

МОБИЛ АЛОҚА

3G-тармоқ тўхтатилагу — тезлик оширилагу

Тайвандаги йирик операторлар, хусусан, Taiwan Star, Chunghwa, Big Brother, Far Eas Tone компаниялари 2019 йилнинг 1 январидан 3G стандартида алоқа хизматлари кўрсатишни тўхтатди.

Ҳали 3G алоқани тузукроқ ўзлаштира олмаган мамлакатлар бор... Тайван учун эса бу стандарт эскириб улгурди.



Тайванда 2G стандартида хизмат кўрсатиш билан хайрлашилганига бир ярим йилдан ошди. Операторлар эса фурсатни бой бермай фуқароларни 4G стандартидан фойдаланишга чорлашни бошлади. 2G йўқ бўлганидан сўнг 3G хизматидан фойдаланувчилар сони кескин қисқариб кетди, ҳозир 230 минггача киши “учинчи авлод”дан фойдаланаяпти. Экспертлар 10-15 кун ичида шунча абонентнинг ярми ҳам қолмаслигига қафолат беришапти.

Чунки 4Gда тезлик жуда юқори: кўчма абонентлар учун — 100 Мбит/сония, стационар абонентлар учун — 1 Гбит/сония.

СМАРТФОНЛАР

12 ГБ оператив хотирага эга биринчи смартфон тақдим этилди

Lenovo компанияси Lenovo Z5 Pro слайдер-смартфонининг янги талқинини тақдим этди. Бу ҳақда компания сайтида хабар қилинган.

Смартфон дунёда биринчи бўлиб 12 ГБ оператив хотира ва энг янги Snapdragon 855 процессорига эга бўлди, деб ёзмоқда Ferra.

Экран пастга сурилб, фронтал камерадан фойдаланиш имконини яратади. Смартфон олд панелнинг 95 фоизини эгаллайдиган, Full HD+ (2340x1080 пиксел) кенглигига эга 6,39-дюймли Super AMOLED-дисплей, 24+16 Мп ик-

кита асосий камера, 16+8 Мп иккита фронтал камера билан жиҳозланади. Бармоқ излари сканери экран тагига ўрнатилган.

Аккумулятор қуввати 3350 мАс. Иккита SIM-карта ишлатилади, шунингдек, 4G VoLTE, Wi-Fi (802.11 ac), Bluetooth 5, GPS + ГЛОНАСС, NFC, USB Type-C порти бор.

Lenovo Z5 Pro GT Хитойда январ ойида сотувга чиқарилади. Нархлари: 6+128 ГБ — 391 доллар, 8+128 ГБ — 434 доллар, 8+256 ГБ — 492 доллар, 12+512 ГБ — 635 доллар.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади



Қирғизистон: АМАЛДОРЛАР ОЛМА СОТИБ БОЙИШАДИ...МИ?

141 нафар юқори мартабали шахс мол-мулки ва бойлигини солиқдан яширган

Қирғизистонда 141 нафар давлат амалдорининг солиқ декларацияси Бош прокуратурага жўнатилди. Улар декларацияда даромадлари ва мулклари тўғрисида ёлгон маълумотларни берганликда гумонланмоқда.

Давлат солиқ хизмати раисининг ўринбосари Искендер Асилкулов бу хабарни изоҳлар экан, солиқ хизматига жами 60 минг нафар давлат амалдори декларация топширганини таъкидлади. “Бугунги кунгача 1101 нафар сиёсий, маъмурий ва махсус лавозимларни эгаллаб турган шахсларнинг декларациялари текшириб бўлинди. Уларнинг ичида 141 шахс ёлгон маълумотларни берганликда гумонланмоқда. Улар ишлари юридик баҳо берилиши учун Бош прокуратурага жўнатишди, — деб айтди Искендер Асилкулов.

Расмийнинг билдиришича, Бош прокуратурага юридик баҳо бериш учун жўнатилган солиқ декларацияларининг 19таси сиёсий лавозимлардаги, қолганлари эса муниципал ва


маъмурий хизмат лавозимларини эгаллаган шахсларга тааллуқлидир.

Амалдорлар декларацияда нималарни яширдилар?

Искендер Асилкулов уларнинг декларациялари текширилганида, кўплаб ер участкалари, қишлоқ хўжалик ерлари, кўп сонли автомашиналар, банк ҳисоблари қайд этилмай қолгани аниқланганини билдирди. Бундан аввалроқ Қирғизистон бош вазирининг собиқ ўринбосари Дуйшенбек Зилалиев давлат лавозимини эгаллаб турган ҳолда ноқонуний равишда миллионлаб доллар бойликка эга бўлган, деган айблов билан қамоққа олинган эди.

Миллионлар қаердан олинди?

Солиқ хизматининг собиқ раиси, парламент депутаты Исҳоқ Масалиев бош вазирнинг собиқ ўринбосари уйдан топилган миллион долларга



яқин пул ҳақида фикр билдирди: “Зилалиевга нисбатан кўзгатишган жиноят иши катта муаммонинг кўтарилишига сабаб бўлди. Яъни, мол-мулки солиқ декларациясида кўрсатилган миқдорга тўғри келмаган давлат амалдорини қамаш керакми, деган савол пайдо бўлди. Бу саволга жавоб бериш учун, аввало, бу мол-мулк ноқонуний йўл билан топилганини исботлаш зарур. Балки, у бундай вақтда олма сотиб бойингандир? Шунинг учун бу масалада аниқ меъёрларни белгилаб олиш зарур”.

Парламент депутати Абдихаап Нурбаев эса: “Декларациядаги маълумотлар текширилиши тўғрисидаги қонун яқиндагина кучга кирди. Менимча, бу жараёни автоматлаштириш керак ва одам омилини озайтириш зарур. Маълумотларни автоматлаштирилган тармоқ воситасида текшириб, жамоатчиликка очиқ бўлган ҳулосаларни чиқариш лозим. Акс ҳолда, декларацияларни текшириш тизимининг ўзи коррупциялаштириш кетиши мумкин”, — дея фикр билдирди.

Қирғизистонда кўп йиллардан бери давлат амалдорлари ҳар йили мажбурий тарзда солиқ декларацияси топширади ва бу декларацияда келтирилган маълумотлар матбуотда жамоатчиликка маълум қилинади. Аммо декларациядаги маълумотлар нақадар тўғри эканини текшириш ва нотўғри маълумот берганларни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги модалда қонунчиликка 2017 йилнинг август ойида киритилган.

Икки йилда СУРИЯДАН ҚОЗОҒИСТОНГА 91 НАФАР БОЛА ҚАЙТАРИЛДИ

Бу ҳақда 19 декабр куни Остонада ўтган матбуот анжуманида қозоқ расмийлари маълум қилди. Мамлакат Таълим ва фан вазирлигининг болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси ўринбосари Ержан Ерсановнинг айтишича, Суриядан қайтарилган 39 оиланинг 91 нафар фарзанди мамлакатнинг тўққизта вилоятидаги реабилитация марказларига жойлаштирилган.


Қозоғистон Миллий хавфсизлик қўмитаси жорий йилнинг июл ойида Сурия ва Ироқдаги террорчи ташкилотлар сафида қозоғистонлик 120 нафар эркак, 250 нафардан кўпроқ аёл ва 500 нафарга яқин бола борлигини билдирган эди. Қўмита раиси ўринбосари Нурғали Билисбеков эса жорий йил март ойида Сурияга кетган 125 нафар одам Қозоғистонга қайтиб келгани ва уларнинг 57 нафари судлангани, қолганларига нисбатан эса тергов ишлари давом этаётганини айтган.



ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТА ЭПИДЕМИЯСИ

АҚШда ёшлар орасида электрон сигарета чекиш эпидемияга айланди. Қўшма Штатлар соғлиқни сақлаш вазирлиги расмийлари Вашингтонда ўтган матбуот анжуманида мана шундай ташвиш билдирдилар. “Мен расман маълум қиламанки, Қўшма Штатларда ёшлар орасида электрон сигарета чекиш ҳақиқий эпидемияга айланди. Айниқса, мактабларда юқори синф ўқувчилари орасида электрон сигарета чекувчилар сони бир йил ичида икки баробарга кўпайди. Электрон сигаретлар чекишга барҳам бериш орқали ёшларимизни никотин қарамлигидан қутқариб қолишимиз керак бўлган вақт етиб келди”, — деди жумладан АҚШ бош жарроҳи Жером Адамс.

Соғлиқни сақлаш вазири Алекс Азар айти пайтда мамлакатда спиртли ичимликлар ва афюнни истеъмол қилиш, никотин мавjud бўлган бошқа маҳсулотларни чекиш кўрсаткичи камайиб бораётганини таъкидлади. Унинг айтишича, мана шундай ижобий ҳолатлар кузатилаётган бир пайтда электрон сигаретларнинг ёшлар орасида оммалашиб бораётгани қаттиқ ташвишларга сабаб бўлмоқда.



АҚШДА КОИНОТ КУЧЛАРИ ҚЎМОНДОНЛИГИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Президент Доналд Трамп коинот кучлари қўмондонлигини ташкил этиш ҳақидаги фармонни имзолади. Трамп ўз қарори бўйича мудофаа вазири ва штаблар бошлиқлари бирлашган қўмитаси бошлиғи билан келишиб олди. У янги тузилманинг жавобгарлик соҳасига “аввалроқ АҚШ стратегик қўмондони зиммасига юкланган, коинотга тааллуқли мажбуриятлар” киришини айтган. Янги тузилманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари рўйхати кейинроқ эълон қилинади. Мудофаа вазири коинот кучлари қўмондони ва унинг ўринбосари лавозимларига номзодларни таклиф қилади.

Коинот кучларини ташкил этишга маблағлар 2020 йил бюджетига киритилиши режалаштирилган. 1 октябрда бошланган 2019 молиявий йил учун мудофаа бюджетига кўра, АҚШнинг ракеталарга қарши мудофаа агентлиги яқин орада коинотда баллистик ракеталарни кузатиш ва ушлаш тизимларини жойлаштириш бўйича ишларини бошлаши керак.



ЖОСУСЛИКДА ГУМОНЛАНГАН СИЁСАТЧИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Литвада Россия фойдасига жосуслик қилганликда айбаниб бир қатор сиёсатчилар қўлга олинди. “Қўлга олинган одамлар Россия разведка ташкилотининг топшириқларини бажариб келганлар. Уларнинг ҳар бири сиёсий партияларга мансуб, лекин улар мансуб бўлган партиялар парламентдан жой олган эмас”, — дейди бу ҳақда маълумот берад экан Литва Бош прокурори Эвалдас Пашилис.

Жосусликда гумонланиб қўлга олинганлардан бири таъликчи россияпараст сиёсатчи Алгирдас Палецкис экани айтилди. Россия Ташқи ишлар вазирлиги бу ҳолни “русларга қарши қаратилган навбатдаги найранг”, деб баҳолади.

2014 йилдан бери Литвада Россия ва Беларус фойдасига жосусликда айбаниб беш нафар одам қамалган.

Саҳифани У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади



(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

“Менинг исмим фалончи, фалончининг ўғлиман. Отам олти ёшимда мени йўқчиликка топшириб, ўлиб кетган. Мени отамнинг укаси — амаким ўз тарбиясига олди. Амаким қолган барча қариндошларим ичида энг яхшиси, кўнгли тоза, меҳрибон, раҳмдил одам эди. Мен уларникида кичкина қизлари қандай эркин яшаса, шундай эркин яшадим. Унинг ёши ҳам мен тенги ёки бироз кичикроқ эди. Амаким ўз қизлари олдида узоқ йиллар Аллоҳдан сўраб етолмаган ўғил фарзанд — акасини кўриб қувонарди. У менга худди қизига қандай ғамхўр бўлса, шундай ғамхўр эди, ҳатто мактабга ҳам иккаламинизни бир кунда юборган.

Мен у қизга худди акадай самимий муносабатда эдим ва унга жуда ўрганиб қолдим. У билан дўстлашиб, ота-онамни олиб кетган ва вақт-вақти билан ўзини билдириб турадиган ғам-алам боис йўқотган қувонч ва бахт онларини туйдим.

Синглим вояга етиб, алоҳида хонада яшаш вақти келмагунча биз доим бирга бўлдик. Бирга мактабга борар ва бирга қайтар эдик, ҳовлида ўйнар ёки боғда сайр қилардик, синфда дарс қилиш учун учрашардик ёки ухлашдан олдин суҳбатлашардик. Бизнинг қалбларимизда севги олови ёна бошлаган ва уни ҳеч қандай тақдир тўсиқлари енга олмайди-гандек эди. Ҳаёт гузалликларини мен фақат унинг ёнида ҳис этардим, бахт нуруни фақат унинг тонг уфқи каби мусаффо кулгуларида кўрар эдим. Унинг олдида ўтказган бир соатим учун ҳаётимнинг барча қувонч ва ҳаловатларидан кечган бўлардим. Ақду заковат, яхшилик, самимият, садоқат ва яхши тарбияни мен фақат унда кўрдим ва бошқа қизларда бу сифатларни тан олишни истамас эдим.

Ҳозирда мени зулмат қоронғуси ва ғаму ташвишлар ўраб олган бўлса ҳам, узоқдан болалик кунларимизда бизни ўраб турган оқ нур таратувчи ҳузур-ҳаловатнинг қанотларини кўра

СТИМ

(Ҳикоя)

оламан. Шу боис, биз иккимиз ҳам ўшанда худди биллур қадаҳ ичидаги май каби нур сочар эдик. Мен бизнинг қувончларимиз, орзу ва истакларимиз гувоҳи бўлган гузал боғни тасаввур эта оламан, уни худди олдимда кўргандек кўра оламан, уни, унинг сувларини, тош йўллари, дарахт новдаларини, гулларнинг барча ранглари — ҳамма-ҳаммасини, ҳатто, биз кун сўнгида бирга ўтиришган ўша тошли ўриндиқни ҳам. Биз суҳбатлашиш ёки гуллардан гулчамбар ясаш учун ёки қайсидир китобни варақлаш учун ёки бўлмаса ким яхши чиқиш бўйича баҳслашиш учун шу ерда учрашар эдик. Мен дарсларимиз тугагандан кейин доимо унинг соясида ўзимизга қулай жой топиб, ўзимизни худди оналари бағрида ором топган қуш болалари каби ҳис қилган ўша кўм-кўк ўтланларни яққол кўз олдимга келтира оламан. Яна мен ариқ ва булоқчалар олдида кавлаган кичик-кичик ҳовузчаларимизни тасаввур эта оламан. Биз уларни сув билан тўлдирар эдик, сўнг унинг атрофида ўтириб олиб, у ерга ташлаган балиқчаларимизни кўлимиз билан тутиб ўйнар эдик. Агар овимиз зўр бўлса, мамнун бўлар эдик. Мен қушлар боқадиган ажойиб тилларанг қафасларни кўз олдимга келтира оламан, биз соатлаб уларнинг ёнида ўтириб, уларни кузатар эдик ҳамда уларнинг ғайриоддий тумшуқларини томоша қилар эдик. Қушлар сув ичаётганида ёки дон ейишаётганида биз уларга лақаб қўйиб олар эдик ва улар билан гаплашардик. Уларнинг чуғур-чуғурини эшитиб бизнинг сўзларимизга жавоб беришяпти деб ўйлар эдик.

Амакимнинг қизига бўлган сирли ҳис-туйғуларим ака-сингиллик риштаси эдими ёки

оловли муҳаббатми, бунга ҳозир айтишга ожизман, лекин аниқ биламанки, бу ноаниқ ва ноумид туйғу эди. Қиз боланинг мусаффо юрагига ғам-ситам юкини ортганларнинг биринчиси бўлмаслик учун мен унга ўзимнинг соф муҳаббатимни ошкор этмадим. Чунки мен уни, яъни энг яхши кўрган амакимнинг қизини ҳамда эрта болаликдаги ўртоғимни жуда эъзозлар эдим. Бир-биримизнинг умр йўлларимизни бирлаштириш ҳатто ҳаёлимга ҳам келмас эди. Унинг ота-онаси менга ўхшаш бу бечора, бахтсиз йигитни худди қизларидек ёқтиришларига ишонмас эдим. Мен ундан барча севишганлар эҳтиёж сезадиган нарсаларни талаб қилмас эдим, чунки мен унинг қадрини жуда баланд тутар эдим. Унинг ўткир нигоҳларига қараш билан унинг қалби тубида мен учун қанча жой ажратганига эътибор қилмас эдим, балки ака сифатида жой ажратгандир, балки севгилиси сифатида. Амакимнинг қизига бўлган севгим худди руҳоний малойика қаршисида тиз чўкиб, таъзим қилишдай гап эди, гўё у илоҳий маъбудаю мен унга бош кўтариб қарашга журъат қилмаган художўйман.

Токи амаким оғир касалликка чалиниб вафот этгунича биз шундай яшадик. Амакимнинг хотинига умид билан айтган охириги сўзлари шундай бўлди: “Ўлим бу болага қилаётган ғамхўрлигимга халақит бермоқда, мен унга қандай ота бўлган бўлсам, сен шундай она бўлгин. Мен сенга ўлимдан кейин у мендан бошқа ҳеч нарсасини йўқотмаслигини васият қиламан”.

Аммо аза кунлари ўтмасданоқ мен ўзимга нисбатан бошқа муно-

Мустафо
МАНФАЛУТҲИЙ

сабатни, бошқача қарашларни сеза бошладим. Қалбимда шу пайтгача ёт бўлган ўзгача бир ҳис-туйғу пайдо бўлди. Мени ҳадик истараси мусофир эканлигимни ўйлаб кетдим.

Кунларнинг бирида хонамда ўтирган эдим, хонамга истараси иссиқ, очикқина хизматкор аёл кириб келди. У тўғри олдимга келди-да, деди: “Хўжам, хоним сизга бир гапни айтиб қўйишимни буюрди: яқинда у қизини турмушга чиқарар экан, сиз ва синглингиз вояга етганингиз боис амакингиз вафотидан кейин сизнинг бу ерда қолишингиз куёвда шубҳа уйғотиши мумкин. Ҳозир сиз яшаётган хонада келин-куёвларга жой ҳозирланар экан. Хоним ўзларига тегишли қайси уйни хоҳласангиз ўшанга ўтиб яшашингиз мумкинлигини айтди. У сизга барча шарт-шароитларни яратиб бериб, айрилик азобларини ҳис этмас экансиз”.

Бу сўзлар отилган ўқдай юрагимни тешиб ўтди. Шундай бўлса-да, ўзимни қўлга олиб: “Менинг истагим нима бўларди, Аллоҳ рози бўлса, бўлгани”, — дедим.

Хизматкор аёл юмушига кетди, мен эса кўз ёшларимга эрк бериб қоронғу тушгунча бир ўзим ёлғиз қолдим. Жомадонимни олиб унга кийимларимни, китобларимни жойладим ва ўзимча ўйладим: “Бу ҳаётда мени бахтли қиладиган ҳеч нарса қолмади, ҳатто мен ҳурмат қиладиган ва мени ҳам ҳурмат қиладиган яқин кишимдан-да жудо бўлдим. Энди на қувона, на афсус қила оламан”. Шундан кейин билдирмагина бу уйдан чиқиб кетдим. Аммо, кетишимдан олдин сўнг бор шаффоф парда ортида тинчгина ухлаётган севгилимга назар ташладим. Бу менинг у билан сўнгги учрашувим эди.

(Давоми бор.)

Рус тилидан
Фахриддин
МУҲАММАДИЕВ
таржимаси

“Унинг ўткир нигоҳларига қараш билан унинг қалби тубида мен учун қанча жой ажратганига эътибор қилмас эдим, балки ака сифатида жой ажратгандир, балки севгилиси сифатида. Амакимнинг қизига бўлган севгим худди руҳоний малойика қаршисида тиз чўкиб, таъзим қилишдай гап эди, гўё у илоҳий маъбудаю мен унга бош кўтариб қарашга журъат қилмаган художўйман.”

КАМОЛОТ ЧЎҚҚИСИГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Спорт — баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим воситаси



Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш жараёнида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият. Хуш, уларнинг қайси-си бирламчи, ўзаро тўлдирувчи ёки фарқланувчи жиҳатлари нималардан иборат?

Жисмоний маданият жамият умумий маданиятининг бир қисми, инсон сўхат-саломатлигини мустаҳкамлаш ва жисмоний қобилиятини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий фаолият соҳаси. Жисмоний тарбия эса ҳар томонлама чиниқтиришга йўналтирилган педагогик жараён. Бошқача айтганда, ўзаро тафовут қилувчи турли ҳодисалар. Лекин, қизиги шундаки, улар бир-бирисиз яшай олмайди. Чунки жисмоний маданиятга жисмоний тарбия орқали эришилди.

Жаҳон маданияти, фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичи инсон тафаккурининг юксак парвози, фикр инкилоби билан қамбарчас боғлиқ.

Ақлий камолот сари интилган жамият жисмоний юксалиш орқали ҳам ўз мақсалига эришади. Бу эса жисмоний маданиятни ривожлантириш нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини билдиради.

Ҳар бир миллатнинг маданийлик даражаси унинг соғломлиги, жисмоний камолот даражаси билан ҳам белгиланишини эсдан чиқармаслик зарур. Маънавий ва жисмоний маданияти мутаносиб равишда тараққий топган халқларни, миллатларни юксак маданиятга, деб аташ мумкин. Демак, камолот чўққисига элтувчи тўғри ва яқин йўл халқ ўйинлари, бошқача ифодаланганда, оммавий спортдан бошланади.

Жисмоний маданиятни кўтариш муайян моддий, ижтимоий-сиёсий, педагогик ва табиий спорт, шароитларнинг мавжудлигига ҳар жиҳатдан боғлиқ. Тарихдан яхши аёнки, мустамлакачилик асорати, сохта эркинлик халқнинг миллий маданиятига путур етказиши билан бирга, унинг жисмоний маданияти тараққиётига ҳам

жиддий зиён келтиради.

Маълумки, жисмоний тарбия ёшларни тарбиялашнинг биологик омилларига, шароитларидан келиб чиқувчи биологик табиатига асосланади. Жисмоний тарбия мазмуни жисмоний камолот, жисмоний ҳолат диагностикаси, жисмоний тарбия маданияти, спорт ишлари, жисмоний маълумот тушунчаларида ўз ифодасини топади.

Жисмоний маданият жисмоний тарбиянинг таркибий қисмидир. Шу билан биргаликда, жисмоний маданият инсон ва жамият умумий маданиятининг ҳам ажралмас қисми. Жисмоний маданият мазмунига қуйидагилар кирди:

- инсон аъзоларининг тузилиши ва уларнинг функционал камолоти. Ички аъзолар, нерв ва ҳаракат, суяк-мушкул тизими, баданнинг уйғунлиги ва уларнинг функционал фаолиятини бошқариш.
- ўқувчининг соғломлигини мустаҳкамлаш;
- гигиена қоидаларига кўниктириш;
- ўқувчиларнинг ҳар томонлама моҳирлигини ўстириш;
- бўлажак ишчи-меҳнаткашларнинг жисмоний ва физиологик жиҳатларини аҳамияти жиҳатидан шакллантириш, иш қобилиятларини ошириш;
- ўқувчиларнинг жинсий ва ёш хусусиятлари учун шароит яратиш;
- ўқувчиларнинг ирода,

чидамлик, дўстлик ҳиссини камол топтириш;

- шахсий жисмоний қобилиятларини тарбиялаш.

Кўрииб турибдики, жисмоний тарбия мазмуни бениҳоя кенг. Бу восита ёшларимизнинг турмуш тарзи, жисмоний маданият ва спорт асосида мазмуни шаклланишини таъминлайди. Айниқса, жисмоний тарбия дарслари, спорт ва жисмоний тарбия тарғиботи, ишлаб чиқиш таълими технологияси ва ишлаб чиқариш амалиёти борасидаги ютуқларини рағбатлантиришда, ўқувчининг узоқ вақтга иш қобилиятини ушлаб туришда, ёшларнинг жисмоний ва физиологик сифатларини касб мазмунига боғлаш борасидаги жараёнларда беқийс аҳамиятга эга.

Жисмоний маданият спорт ишлари ёки олдий спорт шўъбалари, клублари, гуруҳлар ёки оммавий мусобақалар ва ҳоказоларда намоён бўлади. Жисмоний тарбия бўйича ўқувчилар билан яқка тарзда ишлаш жараёнида жисмоний тарбияда камчилиги бор, дарслан овоз қилинган болаларнинг соғлиқларини тиклаш ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, жисмоний қобилиятли болаларнинг қизиқиш ва интилишлари ҳисобга олиниб ҳам индивидуал машғулотлар йўлга қўйилди.

Р.АЪЗАМОВ,
ИИБ Академияси
“Жисмоний ва жанговар тайёргарлик” кафедраси ўқитувчиси

“**Ҳар бир миллатнинг маданият даражаси унинг соғломлиги, жисмоний камолот даражаси билан ҳам белгиланишини эсдан чиқармаслик зарур.**”

ЭЪЛОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги маълум қилди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 49-бандига мувофиқ “SUNRISE SOLUTIONS” (Тошкент шаҳри) масъулияти чекланган жамиятининг:

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2014 йил 9 декабрда берилган АА серияли 0005227 рақамли;
- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2014 йил 9 декабрда берилган АА серияли 0005228 рақамли лицензияларнинг амал қилишини МЧЖнинг 2018 йил 4 декабрдаги 4/12-сонли хатига асосан 2018 йил 17 декабрдан тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Уттанларнинг охирати обод бўлсин

“Ўзбектелеком” АҚ Қорақалпоғистон Республикаси филиали жамоаси филиал техник директори Саламат Абибуллаевга онаси **Бийбимарям АБИБУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ билдиради.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси “Маълумотлар узатиш тизимлари ва тармоқлари” кафедраси катта ўқитувчиси Жўшқин Болтаевга отаси **Болтабей БОЛТАЕВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

2018 йил 28 декабр куни соат 14.00да Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли илмий кенгаш мажлисида **БОЛТИБАЕВ ШУҲРАТЖОН КОМИЛЖАНОВИЧ**нинг 05.01.07 – “Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи” ихтисослиги бўйича “Даврий режимда ишлаётган ўзаро боғлиқ магистрал газ қувурларини математик моделлаштириш ва тадқиқ этиш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси ҳимояси бўлиб ўтади.

Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 108-уй.
Тел.: (99871)-238-64-43, факс: (99871) 238-65-52.

2018 йил 28 декабр куни соат 16.00да Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли илмий кенгаш мажлисида **ЯХШИБАЕВ ДОНИЁР СУЛТОНБАЕВИЧ**нинг 05.01.07 – “Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи” ихтисослиги бўйича “Сув ҳавзаларидаги кўп фазали стратификацияланган оқимлар ривожланиши динамикасини моделлаштириш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси ҳимояси бўлиб ўтади.

Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 108-уй.
Тел.: (99871)-238-64-43, факс: (99871) 238-65-52.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 7 декабрдаги 381-ф-сонли фармойишига асосан “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳисобрақамига 2018 йил 17 декабрда “Respublika maxsus aloqa bog'lamasi” DUK томонидан 5 000,0 минг сўм, 18 декабрда “O'zbekiston Telekommunikatsiya Tarmoqlarini Boshqarish Respublika markazi” DUK томонидан 6 000,0 минг сўм, “ALOQALOYIHA” DUK томонидан 5 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди.

Мазкур ҳомийлик пули Жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2018 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилди.

ҲАЙБАРАКАЛЛАЧИЛИК КИМГА КЕРАК?..

Кўшиқчи Жаҳонгир Позилжоновнинг Президентга аталган "Селфи" кўшиғини эшитиб, очиги энсам қотди. Бу ҳолга тушган фақат мен эмасман. "Кўшиқ" ҳақида интернет ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кескин танқидлар ёғилмоқда.



Самимий, таъмадан йироқ мақтов ва фахрланиш яхши нарсаси. Фақат улар маддоҳликка айланиб кетмаслиги керак. Чо-рак аср давомида жуда кўп соҳаларда, жабҳаларда ютқазиб қўйганимизни Президентимиз ҳам бот-бот таъкидлаб турибди. Ҳўш, бунинг сабаби нима эди? Сабаби — маддоҳлик эди, қарсақбозлик эди, ҳайбаракаллагчилик эди! Уша пайтларда ҳам бу ҳолатлар Биринчи Президентимизга сираям ёқмаган, албатта. Аммо маддоҳбозлар кўп эди. Улар ичида фонограммасиз қуйлашни эглай олмайдиган кўшиқчилар, артистлару масхарабозсифат қизқичилар... етакчи эди.

Шу боис Шавкат Мирзиёев дастлабки кунларданоқ қатъий талаб қўйди: Тамом, қарсақбозликка, маддоҳликка чек қўямиз!

Ҳатто ўша вақтда бир хонанда аёл томонидан Президентга атаб (аслида шахсий ман-фатини кўзлаб, бошқа хонан-

роғи маддоҳликка мен қарши-ман! Сабаби, аввало Президент бу тарздаги "улуглаш"ларга муҳтож эмас.

Президент амалга оши-раётган барча эзгу ишларини мақтов эшитиш учун қилаёт-гани йўқ, балки ўз вазифаси ўлароқ билади.

Президент сувратлари фониди селфи тушиш билан у инсонга ҳеч қандай амалий ёрдам берилмайди. Аксинча, қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйишимиз мумкинлиги эҳти-моли катта. Нега дейсизми?

Бугун Ўзбекистон бугун ду-нёга кенг очилган, дунё ҳам-жамияти нигоҳи Ўзбекистон-да. Юртимизда бўлаётган ўзга-ришларни кўриб-кузатиб ту-ришибди, эътироф ҳам эти-шяпти. Шундай ўзгаришлар даврида селфичилик тарихи-миз саҳифаларига доғ бўлиб тушиши мумкин.

Кимлардир, шу битта кўшиқдан фожиа ясаборибди, дейиши ҳам тайин. Шундайлар-га айтар сўзимиз: ҳар қандай йирик иллат майдаларидан бошланади (аслида маддоҳлик майда иллат эмас, у жуда хавфли). Бугун биз шу майда-чуйда камчиликларга вақтида барҳам бера оلسак, катталари-ни ҳам йўқ қилишга куч топа

оламиз. Қолаверса, бир икки йиллик "танаффус"дан сўнг санъат оламида юрган "саноат-чи"лар яна аввалгидек локомо-тивликни, етакчиликни, халқ-ни, айниқса, ёшларни ўз орт-ларидан эргаштиришни истаб қолган кўринади. "Селфи" па-растлик учун ёшлар, шифокор-лар, қурувчилару фермерлар "жалб" қилинганидан шуни англаса бўлади. Бошқаларни билмадим у шахсан мен фар-зандларимнинг бундай кўшиқчиларга эргашшини, уларга тақлид қилишини сира истамайман.

"Селфи" тушиб ҳайбара-каллагчилик қилган ёшлар, шифокорлар, қурувчилару фермерларга гапим шу: Пре-зидентга ёрдам бермоқчимиз, у ҳолда ишдан қолиб гу-рухлашиб селфи тушгунча илм олинг, ўз устингизда ишланг, изланинг, тил ўрганинг, бе-морларга тўғри тахшис қўйиб даволанг, янги-янги бинолар лойиҳаларини яратинг, ерга меҳр қўйиб ишлаб ҳосилдор-ликни оширинг!

"Кўшиқ"ни айлантираёт-ган ТВчилар! Сиз эса ҳақиқатан зўр бўлишни иста-сангиз, фақат чўнтакбоп (рек-ламабоп) шоуларга ўралаша-вермасдан, ёшлар тафаккури-ни бойиталган кўрсатувлар-га ҳам қўл уриб туринг. Бугун Президентимиз барчамиздан шуни истади, илло лаганбар-дорликни эмас!

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
"Xabar" мухбири

ТУРФА ОЛАМ



Ёш асалариларнинг бўғзи ва юқори жағ безларидан ажралиб чиқа-

Асалари суги нима?

диган ширани она ари суги (шоҳ таоми) дейишади. У ташқи кўринишидан сарғиш, оқ, ўзига хос ҳидли ва ўткир нордон таъмли елимсифат модда. Асаларилар она ари суги билан она асалари қуртчалари (личинкалар)ни 5 кун давомида, ишчи асаларилар ва эркак асаларилар қуртчаларини эса ҳаётларининг биринчи 3 кунни мобайнида боқадилар.

Асаларилар, шунингдек она ари-ларни тухум қўйиш даврида баҳор ва ёзда ҳам суг суг билан боқишади. Бунинг натижасида у бир мавсумда 200 мингтача (бир суткада 2 мингтадан ортиқ) тухум қўйишга қодир бўлади.

Она ари сугининг ўзига хос хуеусия-ти туғайли ишчи асаларилар 30-35 кун яшагани ҳолда она асаларининг умри 6 йилга чўзилади.

Асалариларда она ари суги улар ҳаётининг 4-6 кунидан бошлаб пайдо бўлади. Оқсил, ёғ ва витаминлар, томоқ безларига бой перга (гул чанг-лари билан аралашган асал)ни еб, аса-ларилар кучли ривожланади ва она ари суги ишлаб чиқара бошлайдилар. У найча орқали бўғизга, сўнгра сўрувчи хартумчага оқиб келади. Асалари хар-тумчадаги сугни катаклардаги она ари қуртчаларига беради ёки она арилар-ни овқатлантиради. Асаларилар 10-12

кунлик бўлгунга қадар суг ишлаб чи-қаришади.

Она ари суги таркибида аминокис-лоталар ва B1, B2, B6, B8, B12, C, PP каби витаминлар, шунингдек қатор микроэлементлар мавжуд. Улар орасида оқсил алмашинувида ишти-роқ этувчи кобальт энг кўп фойдали ҳисобланади.

Она ари суги қондаги гемоглобин миқдорини кўпайтириш билан бирга организмнинг юқумли касалликларга бардошлилигини оширади, аллергия-нинг олдини олади, артериал қон бо-симини метёраштиради, тананинг кексايш жараёнини кечиктиради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шўҳрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ, Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масул котиб).

Тахририятга келган қўлёма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлигини мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоиси келишилган нарҳда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100105, Тошкент,

Толимаржон кўчаси, 6-уй.

Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78

Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Асияддин БЎРИЕВ. Навбатчи: Собит АҲАДОВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 24.00.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқари

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босямаҳонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-1243 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Адади: 2791 нусха.